ҲАЁТДАГИ БАХТЛИ ЛАҲЗАЛАР 5

БИРИ ТЎМАРИС, БИРИ ЭСА БИБИХОНИМ... 8

СПРАВЕДЛИВОСТЬ ВОСТОРЖЕСТВУЕТ 15

ШУРИКНИНГ ОХИРГИ САРГУЗАШТИ 20

Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda
# На посту

2020-yil
9-yanvar

№ 2 (4440/4358)

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

## «БИЗ ЎЗБЕК ЎҒЛОНИМИЗ, ШАРАФИМИЗ, ШОНИМИЗ!»



9




● Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қурилиш соҳасидаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасадди раҳбарлар ҳисобот берди, тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

* * *

● Тошкентда «Ўзбекистон – Япония: тўртинчи саноат инқилоби даврида ҳамкорликни кенгайтириш учун имкониятлар» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари дунёда ва мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда кечаётган жиддий ўзгаришлар шароитида Япония билан кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистоннинг стратегик манфаатларига жавоб бериши ҳақида якдил фикр билдирди.

* * *

● Англиянинг thefight-site.com спорт сайти Ўзбекистонни «Йилнинг энг яхши бокс мамлакати» дея эътироф этди.

* * *

● Тошкентда «Янгиланаётган Ўзбекистон учун янги авлод кадрлари» мавзуида ташкил этилган халқаро конференция мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижаларини таҳлил қилиш, истиқболдаги режаларнинг самарали ижроси юзасидан экспертлар фикрини ўрганиш, бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш масалаларини муҳокама қилиш имконини берди.

**ЎзА хабарлари асосида тайёрланди.**

ЯХШИЛАР БОР...



3



4

БИР ЙЎЛДА, БИР МАҚСАД САРИ

ЧЕЛОВЕК С ЖЕЛЕЗНЫМ ХАРАКТЕРОМ

11






13

«ЁШ ҲАРБИЙ ЖУРНАЛИСТ»

## ТАЙИНЛОВ



**Генерал-майор Мирзарахимов Баходир Юлдашевич** – Ички ишлар вазирининг жазони ижро этишни таъминлаш ва ҳарбий тузилмалар бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди.

Тайинловга қадар Б. Мирзарахимов Ички ишлар вазирлиги Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари қўмондони лавозимида фаолият юритган.



**Полковник Батиров Хасан Арзудинович** – Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари қўмондони лавозимига тайинланди.

Тайинловга қадар Х. Батиров Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони ўринбосари лавозимида фаолият юритган.



**Полковник Худойназаров Шокиржон Абдумаликович** – Ички ишлар вазирлиги Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари қўмондони лавозимига тайинланди.

Тайинловга қадар Ш. Худойназаров Ички ишлар вазирлиги Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари – штаб бошлиғи лавозимида фаолият юритган.



**Полковник Адилов Бахрамбек Кахраманович** – Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи этиб тайинланди.



**Подполковник Мурадов Ойбек Худайбердиевич** – Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг ўринбосари – молия ва моддий-техника таъминоти бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Тайинловга қадар О. Мурадов Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шаҳар қўриқлаш бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият юритган.

ЎҚУВ-СЕМИНАР

# ҲАМКОРЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**Ички ишлар органларида кадрлар билан ишлаш, ходимлар ўртасида хизмат интизоми ва қонунийликка қатъий риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш, уларда Ватанга ва касбга бўлган садоқатни мустаҳкамлаш, ўқитиш ва малакасини ошириш, касбий ва жанговар тайёргарлигини юксалтириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

Яқинда ИИВ Бухоро академик лицейида вилоят ички ишлар органлари (*туман, шаҳар, тармоқ ва саф бўлинмалари*) бошлиқларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ҳарбийлаштирилган тузилмалар билан ҳамкорликда ушбу йўналишдаги ишларни муҳокама қилиш, шунингдек, ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ўқув семинари ташкил этилди.

Семинарда вилоят ИИБ хизмат соҳалари ва шаҳар-туман ИИБ, шунингдек, Миллий гвардия, ФВБ, ДХХ ҳамда ҳарбий қисмларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари қатнашди.

Ўқув семинарида шахсий таркиб билан амалга оширилаётган маънавий-маърифий, тарбиявий-профилактик ва мафкуравий ишлар таъсирчанлигини ошириш борасидаги ҳамкорлик йўналишларига эътибор қаратилиб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

**А. ТУРСУНОВ,**
**истеъфодаги подполковник.**
*Бухоро вилояти.*



**Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармасида вилоятдаги ички ишлар органлари бошлиқларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳамда кадрлар бўйича инспекторлари иштирокида ўқув-семинари ўтказилди.**

Семинарда Мудофаа вазирлиги ҳамда Миллий гвардия ҳарбий қисмларида тарбиявий ишлар, интизомни мустаҳкамлаш, шахсий таркибнинг ҳуқуқий ва жанговар салоҳиятини ошириш бўйича қўлланилаётган илғор тажрибалар тўғрисида ҳарбий тузилмалар вакиллари томонидан атрофлича маълумот берилди. Хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ҳамда сиёсий-ҳуқуқий билимларни юксалтириш орқали ватанпарварлик туйғусини кучайтириш, ходимларнинг ахлоқий-руҳий ҳолатини назорат қилиш, психологик хизмат сифатини ошириш каби масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Худди шундай, фаолларни рағбатлантириш, интизомни бузганларга тегишли тартибда чора кўриш тартиб ва меъёрларига эътибор қаратилди.

Ички ишлар органларининг интизомий кенгашлари фаолияти, тизимда қонунийликни таъминлаш ҳамда тамагирлик, порахўрлик, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ ҳолатларга йўл қўймаслик, бундай ҳолатлар юз берганда белгиланадиган чора-тадбирлар тилга олинди. Ўқув семинарида Президентимизнинг 2018 йил 23 августдаги «Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида белгилаб берилган вазифаларнинг ҳудуддаги ижроси таҳлил этилди.

Тадбир якунида вилоятдаги ички ишлар органларида ўтган йилда тарбиявий йўналишда амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар муҳокама этилиб, бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Жиззах вилояти.*



**ИИВ Хоразм академик лицейида ҳам худди шундай ўқув семинари ўтказилди. Унда ички ишлар органлари, Миллий гвардия, фавқулодда вазиятлар бошқармалари ҳамда ҳарбийлаштирилган тузилмаларнинг кадрлар билан ишлаш хизмати бошлиқлари иштирок этди.**

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда ҳарбийлаштирилган тузилмалар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва тажриба алмашиш мақсадида ташкил этилган ўқув семинарини вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник А. Раҳмонов очиб, ходимларнинг касбий маҳорати ҳамда жанговар шайлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг эътирозларига сабаб бўлувчи омилларга йўл қўймаслик ҳамда соҳага оид қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни чуқур ўрганиш ва хизматни шу асосда ташкил этиш бўйича маъруза қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Хоразм вилояти бўйича бошқарма бошлиғининг ўринбосари, майор Ш. Ражабов, ИИВ ХАХТ қўшинлари Урганч алоҳида батальони командирининг ўринбосари, подполковник Ш. Баротов ва бошқалар сўзга чиқиб, тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш масалаларига атрофлича тўхталиб ўтишди.

Таъкидлаш лозимки, ҳар бир ҳуқуқ-тартибот органида касбий ўзига хослик, мутахассислигига кўра ходимлар ва хизмат фаолияти билан боғлиқ турли тартиб-қоидалар ўрнатилган. Шунга кўра, тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Хоразм вилояти.*

ХАБАР

# СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг топшириғига асосан, Қуролли Кучлар Академиясида объектлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқ-тартибот органлари шахсий таркиби ўртасида ўтказилган кўрик-танловнинг **«Энг яхши сафдор ходим»** ва **«Энг яхши бўлинма»** номинацияси ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Кўрик-танловнинг **«Энг яхши бўлинма»** номинацияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Наманган вилояти Қўриқлаш бошқармаси 2-алоҳида отрядининг 2-гуруҳи (гуруҳ командири, катта сержант Файзулло Нурматов) учинчи ўринни эгаллади. Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси 3-алоҳида батальони 1-отрядининг 2-гуруҳ ходими, сафдор Абдулла Халилов эса **«Энг яхши сафдор ходим»** номинациясида учинчи ўринга лойиқ топилди.

Ғолиблар кубок ва сертификатлар билан тақдирланди.

**Ш. ДУРМАТОВ,**
**подполковник.**



ВАТАНГА ХИЗМАТ – ОЛИЙ САОДАТ

# ЙИГИТ ОМОН БЎЛСА, ХАВФУ ХАТАР ЙЎҚ

**Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир ўғлон учун муқаддас бурч, юксак шараф ҳисобланади. Бугунги кунда юрт тинчлиги, эл осойишталиги йўлида хизмат қилаётган ҳарбийлар ҳаёти, уларнинг мардлик ва матонатга уйғун хизмат фаолияти ёшларда ҳавас уйғотиши бежиз эмас. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, миллий армиямиз сафида хизмат қилаётган ўғлонларнинг билим ва салоҳиятини юксалтириш, уларнинг ҳарбий соҳани пухта эгаллашлари йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.**



– Янги йилни янги режалар билан бошладик, – дейди ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли 7532-ҳарбий қисм командирининг ўринбосари, подполковник Ботир Исломов. – Президентимизнинг 2018 йил 4 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида зарур вазифалар белгилаб олинган. Ўтган йили бу борада қатор тадбирлар амалга оширилди. Ҳарбий қисмда шартнома асосида ҳамда муддатли ҳарбий хизмат ўтаётган аскарларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ошириш билан бирга, уларнинг маънавий-маърифий билимларини юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

«Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал» деган гап бор. Ҳарбий қисм ҳудудига киришингиз билан ҳар қадамда қатъий тартиб-интизом кўзга ташланади.

«Сафланинг!» Гуруҳ командирининг буйруғига мувофиқ, бир зумда аскарлар саф тортди. Нигоҳларида ўзига ишонч ва қатъият порлаб турган ўктам ва шижоатли ўғлонларнинг руҳи баланд.

– Тошкент шаҳрининг Миробод туманидан хизматга чақирилганман, – дейди оддий аскар Абдулҳай Кимсанбоев. – Армия мен учун чинакам чиниқиш мактаби бўлди. Болаликдан спорт билан шуғулланганман. Қўл жанги бўйича ҳарбий қисмлар ўртасида ўтказилаётган мусобақаларда қатнашиб, яхши натижаларга эришиб келяпман. Бу ерда ўз устимизда ишлаб, ўзимиз севган спорт тури билан шуғулланиш учун барча шароит мавжуд. Хизмат давомида ҳарбий соҳага иштиёқим янада ортди. Келгусида шартнома асосида хизматни давом эттириш ниятидаман.

– Мен Чирчиқ шаҳриданман, – дея суҳбатга қўшилди оддий аскар Фаррух Турдиев. – «Йигит киши армияда тобланади» деб бежиз айтишмас экан. Хизмат давомида руҳан кучли, иродали бўлиш, ҳар қандай мураккаб вазиятларда тезкорлик билан зарур тадбир қўллай билишни ўргандим. Кўплаб дўстлар орттирдим. Бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, ўрни келганда, ёрдамлашамиз. Мен бадиий адабиётга қизиқаман. Бўш вақтимда китоб ўқийман. Айни пайтда Азамат Қоржововнинг «Қора чаён» асарини мутолаа қиляпман. Хуллас, бўш вақтимиз мазмунли ўтади.

Сафдошларининг айтишича Фаррух шеърлар ёзиб турарkan. Суҳбатимиз давомида унинг янги ижод намуналари билан танишдик. Аскар йигитнинг онани улуғловчи, Ватанни шарафловчи шеърлари бизда яхши таассурот қолдирди.

«Шуҳрат» медали соҳиби, катта сержант Аслиддин Рўзиевни ҳамкасблари тажрибали ҳарбий сифатида эътироф этишди. Хизмат машаққатларини матонат билан енгиб, жамоада обрў-эътибор топиб келаётган гуруҳ командирини аскарлар даврасида учратдик.

– Ҳарбий форма йигит кишига ўзгача салобат, виқор бағишлаши бор гап, – дейди катта сержант. – Аммо ҳарбий хизматчи биринчи галда билими, ақл-заковати, юксак касб маданияти, мустаҳкам интизоми билан ўзгаларга намуна бўлиши шарт. Бугунги кун ҳар бир аскардан ўқиб-изланишни, ўз устида муттасил ишлашни талаб этади. Шу ўринда айтиш лозимки, ҳарбий қисмда ўқув дарслари ташкил этилган бўлиб, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар тарих, она тили ва адабиёт, физика, математика ҳамда инглиз тили фани бўйича ўқитилмоқда. Бу, ўз навбатида, уларнинг мазкур фанлардан билимларини мустаҳкамлаб, келгусида олий ўқув юртларига киришларида муҳим омил бўлади.



Суҳбатдошимизнинг айтишича, ҳарбий қисм ётоқхонаси ҳамда тиббиёт пункти яқинда тўла таъмирдан чиқарилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланибди. Аскарларнинг саломатлиги доимий эътиборда. Бу борада малакали тиббиёт ходимлари сидқидилдан фаолият олиб боришмоқда.

– Соғлом, жисмонан бақувват, мард ва жасур, юксак маънавиятли йигитларимиз – Ватан таянчи. Уларнинг билим ва маҳоратини юксалтириш, интеллектуал салоҳиятини ошириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида турли қизиқарли тадбирлар ташкил этилмоқда. А. Қодирий номидаги вилоят кутубхонаси билан танишиш ҳамда вилоят музейига саёҳат ҳарбий хизматчиларимизда унутилмас таассурот қолдирди. Бугун Навоий шаҳрида жойлашган ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказида бўлиб, у ерда даволанаётган беморларнинг ҳолидан хабар олдик. Уларга ҳарбий қисм оркестри ижросида концерт намойиш этилди, китоблар совға қилдик. Бу каби хайрли тадбирларни йил давомида изчил давом эттириш ниятидамиз, – деди подполковник Б. Исломов амалга оширилаётган ишлар, янги йил режалари ҳақида сўз юритаркан.

Яхши ният эзгу амалларнинг бошланишидир. Қалбига эзгулик, хайрли ниятларни жо этиб хизмат ўтаётган ҳарбийларимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақида мухтасар сўз юритдик, холос. Зеро, уларнинг Ватан ҳимояси йўлидаги масъулиятли хизматлари, фидойиликлари боис юртимиз тинч, осойишта. Мунаввар тонглару осуда тунларимиз, тароватли, файзли кунларимиз замирида юрт посбонларининг сермашаққат хизматлари мужассам.

**Нигора РАҲИМОВА,**
**«Postda» мухбири.**

# ЯХШИЛАР БОР...

**Жорий йилнинг 6 январь куни Жиззах шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасининг навбатчилик қисмига қўнғироқ қилган аёл Сайилжойи маҳалласида адашиб қолган болани топиб олганлигини билдирди. Ушбу хабар асосида ҳудудга масъул профилактика катта инспектори, катта лейтенант Тоғай Муқимов аёлдан болани қабул қилиб олди.**



Хизмат хонасида ўтган суҳбат асносида бола ўзи ва отасининг исмини айта олди, холос. Профилактика инспектори тегишли идоралардан Муҳаммадбобур исмли боланинг йўқолганлигига оид маълумотларни суриштирди. Бу ҳаракати натижа бермагач, 5 ёшли болакайни автоуловида кўчаларни айлантира бошлади. Шунда болакай ўзи чиқиб кетган мактабгача таълим муассасасини таниб қолди. Бу пайтда унинг отаонаси фарзандини қидиришаётганди.

Аён бўлишича, бола боғчадан чиқиб кетиб, шаҳар кўчаларида қарийб икки километр йўлни босиб ўтган. Ёмғирда унинг кийимлари ивиб кетган.

— Фарзандимнинг топилишига, бағримизга соғ-саломат қайтишига сабабчи бўлган профилактика инспекторидан чексиз миннатдормиз, — дейди Муҳаммадбобурнинг онаси Замира Муродова. — Ички ишлар органлари ходимлари бор экан, кўнглимиз хотиржам, юртимиз тинч, осойишта. Биз уларнинг меҳнатини ҳамиша қадрлаймиз.

Бир қарашда бу воқеада ажабланадиган жиҳатнинг ўзи йўқдек. Фуқаро инсонийлигини намойиш этди, ички ишлар органи ходими эса ўз хизмат вазифасини бажарди. Аммо ҳаммамиз ҳам масалага шу тарзда ёндашамизми? Ундай бўлса, нима учун совуқда икки километрга яқин йўлни босиб ўтган енгил кийимли болакайга аксар одамлар эътибор бермаган?!

Яхшиямки, яхшилар бор... Муҳаммадбобур ота-онасининг бағрида, соғ-саломат.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Жиззах вилояти.*
**Муаллиф олган сурат.**

ЭҲТИРОМ

# БИР ЙЎЛДА, БИР МАҚСАД САРИ



**Бир соҳада кўп йиллар сидқидилдан хизмат қилиб, вақти келганда, иззат-икром билан нафақага кузатилганларни кўрганимизда, беихтиёр «Шу кунларга етиш барчамизга насиб этсин», дея ният қиламиз. Негаки, бу даражагача юксак ҳурмат-эътиборга сазовор ҳолда етиб келишнинг ўзи осон эмас.**

**Оддий инспекторликдан вазирлик бош бошқармаси бошлиғи лавозимигача бўлган 35 йиллик хизмат йўлида қаҳрамонимизнинг не-не сўқмоқлардан юргани, қанча тўсиқлардан ошиб ўтгани фақат унинг ўзигагина аён. «Бир жойда кўкариб», ўз соҳасининг етук билимдони бўлган, бугун юксак устозлик мақомига эришган истеъфодаги полковник Холматжон Сайдалиевнинг дилдаги гаплари кўпчиликка қизиқ бўлса керак...**

## ОТА-ОНАМДАН МИННАТДОРМАН

– Пойтахт биқинидаги Тошкент туманида туғилиб ўсганман. Отам жамоа хўжалигида ишлар, онам уй бекаси эди. Қишлоқ мактабида ўқиб, вояга етдим. Мактабни тугатиб, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтига ҳужжат топширдим. Ўшанда янгида очилган йўл ҳаракатини ташкил қилиш факультетига ўқишга кирдим. 3-курсни битирган кезларимиз Ички ишлар вазирлигидан мутахассислар келиб, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига номзодларни синовдан ўтказишди. Синовлардан муваффақиятли ўтиб, ўқишни битирганимдан кейин йўлланма билан Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар ИИБга юборишди. 1985 йили мазкур бўлимда йўл назорати инженери лавозимида дастлабки хизмат фаолиятимни бошладим.

Отам ўзи ўқимаган бўлса-да, ўн нафар фарзанднинг ўқиши, ҳаётда ўз йўлини топишига шароит яратиб берган. Деярли ҳаммамиз олий маълумотли бўлганмиз. Бугун ҳаётда ўз ўрнимни топганим, шу даражага етганим учун, аввало, ота-онамдан миннатдорман.

## СОҲАВИЙ ХИЗМАТ ФАҚАТ ЙПХ ИНСПЕКТОРЛАРИДАН ИБОРАТ ЭМАС

– Соҳани фақат кўчаларда турадиган, ҳаракат хавфсизлигини таъминлайдиган ЙПХ инспекторидан иборат, деганлар адашади. Бу тизим кўп тармоқли. Қаерда кўп йўл-транспорт ҳодисаси кузатилади, қаерда транспорт оқими кучли, қаерга йўл белгиларини ўрнатиш керак, буларнинг таҳлилини олиб бориш – ҳамма-ҳаммаси шу соҳа вакиллари хизматининг мундарижасини ташкил этади. Бу гапим билан бошқа соҳавий хизматларни камситмоқчи эмасман. ДЙҲХХ шундай тузилмаки, бунда ходимлар доим халқ билан ишлайди. Инспектор ҳар куни ҳар хил ёшдаги, турли касбдаги ҳайдовчилар билан мулоқот қилишига тўғри келади. Ходим шундай вазиятга ҳар куни дуч келавергач, салкам психолог бўлиб қолади.

## ХИЗМАТДА ТУБ БУРИЛИШ

Қаҳрамонимиз йилдан-йилга тобланиб, мансаб пиллапояларидан кўтарила бошлади. Олмалиқдаги уч йиллик фаолиятидан сўнг Тошкент вилояти ИИБ ЙҲХБда турли лавозимларда хизмат қилди. Сўнгра Андижон вилояти ИИБ ЙҲХБ бошлиғи лавозимида фаолиятини давом эттирди. 2010 йили эса Холматжон Сайдалиев ИИВ ЙҲХББ бошлиғи лавозимига тайинланди.

Мақоламиз қаҳрамони шу лаҳзадан ҳаракат хавфсизлигини таъминлашни кучайтириш ва йўл-транспорт ҳодисалари сонини кескин камайтиришни ўз олдига бош мақсад қилиб олди. Республика миқёсида шу мақсад йўлида кўплаб ишлар амалга оширилди. Соҳага инновацион технологиялар жалб этилди, моддий-техник база яхшиланди. Ходимларнинг билим савиясини ошириш, қонунийликка риоя этилиши бўйича сезиларли ишлар қилинди. Албатта, бу саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Айтиш лозимки, Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида йўл-транспорт ҳодисалари кам содир этилаётган давлатлар қаторида турибди.

– 2016 йилдан кейин бу борадаги саъй-ҳаракатлар янада жадаллашди. Шу йилдан бошлаб ҳозирги пайтгача йўл-транспорт ҳодисалари йилдан-йилга камайиб бораётир. Бунга, албатта, илғор технологиялардан унумли фойдаланилаётгани, моддий-техник таъминотнинг яхши йўлга қўйилгани, энг асосийси, сидқидилдан хизмат қилаётган ходимлар сонининг ортиши эвазига эришилмоқда.

Хизмат давримда олдимга бир мақсад қўйгандим: ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда инсон омилини камайтириш яъни, ҳамма иш, назорат худди ривожланган хорижий давлатлардаги каби замонавий технологиялар орқали бажарилади. Ҳайдовчи ва инспектор ўртасидаги турли муаммоларни йўқотиш, ҳаққонийликни таъминлаш учун 2020 йил 1 январдан бодикамералар жорий этилди. Тез орада маъмурий баённомалар электрон тарзда расмийлаштириладиган бўлади. Шубҳасиз, бу турли сарсонгарчиликлар, коррупция кўринишларининг олдини олишга хизмат қилади.

## ...ЛЕКИН БАРИБИР ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАР СОДИР БЎЛЯПТИ

– Шунга қарамай, йўлларда йўл-транспорт ҳодисалари содир бўляпти, одамлар дунёдан бевақт кўз юммоқда, жароҳат олмоқда, дейдиганлар топилади. Тўғри, белгиланмаган жойдан қайрилиб олиш, тезликни меъёридан ошириш, бошқа қоидабузарликларни содир этадиганлар ҳам орамизда учраб туради. Уларнинг ҳаракатини кўриб, булар автомактабларда ўқимаган бўлса керак, деган ўйга борасиз. Аслида, уларнинг кўпчилигини автомактабларда ўқиса-да, йўл ҳаракати қоидаларини уқмаганлар ташкил этади. Яна бир сабаб, баъзи оилаларда яхши тарбиянинг йўқлиги, ота-оналарнинг ўзлари уларга ҳар жиҳатдан «ўрнак» бўлаётганидадир. Машина бошқараётган ота қоидаларни қўпол равишда бузиб, ҳаракатланиш маданиятига риоя қилмаса, буни кўрган фарзанди келгусида унга тақлид қилмайди, дея оламизми? Йўқ. Қуш уясида кўрганини қилади. У ҳам қоидабузар бўлади.

Кўплаб ривожланган хориж давлатларида йўл ҳаракати қоидалари мактабларда фан сифатида ўқитилади. Баъзиларида мактабни битирганда, айримларида битирмасдан ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб транспорт воситасини бошқариши мумкин. Бизда ҳам шундай бўлса, йўл ҳаракати қоидалари фан сифатида ўтилса, йўлларда ҳаракатланиш тартибга тушган, турли кўнгилсиз ҳолатларнинг олди олинган бўларди.

## РАҲБАР МАДАНИЯТЛИ БЎЛИШИ КЕРАК

– Раҳбар, аввало, маданиятли инсон бўлиши лозим. Қўл остидаги ходимни, унинг айби бўлса-да, кўпчиликнинг ўртасида беобрў қилиш, шаънини оёқости этиш, сўкишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Айби борми, ўзи билан бафуржа гаплаш, муаммоси бўлса, ҳал қилишда ёрдамлашиш лозим. Шунингдек, раҳбар ҳаммани бирдек кўриши, зарур пайти тўғри қарор чиқаришни ҳам билиши керак.

Биласизми, бундан кўп йиллар муқаддам ички ишлар органларида хизмат қиладиган аксарият раҳбарлар ва бошқа ходимларнинг фарзандлари тарбияси ёмон томонга ўзгариб, ҳуқуқбузарликларга аралашиб қолганлари ҳам кузатиларди. Бу нимадан келиб чиққанди? Биринчи навбатда, ходимнинг оила даврасида кам бўлиши, ярим тунда уйига бориб, тонгда яна ишга чиқиб кетиши, фарзанд тарбиясида ўрни йўқолиши оқибати эди бу. Ахир, оилада отанинг ўрни бўлакча. Бундай ҳолатда ҳар қандай раҳбар ходимларига дам бериши, уларнинг оталик бурчини бажаришига шароит яратиб бериши лозим. Фарзандлари ухлаб қолмасдан, уйига бориши зарур. «Дадам қачон келади?», дея кутиб ўтирадиган, бир оғиз ширин сўзимиз, эркалашимизга муҳтож болажонларимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

## УСТОЗГА ЁЛЧИГАН, ШОГИРДЛАРИ КЎП ИНСОН

– Шогирдларим жуда кўп, баъзиларининг исмини айтиб, шулар менинг шогирдим десам, бошқалари хафа бўлади. Республиканинг ҳамма ҳудудида, турли соҳаларда хизмат қилиб келаётган шогирдларим бисёр. Устозларимга тўхталадиган бўлсам, биринчи устозим соҳанинг сир-асрорларини қаттиққўллик билан ўргатган Ҳусниддин Тошкенбоев бўлади. Ишга энди келган пайтим Ҳусниддин ака Олмалиқ шаҳрида йўл назорати бўлими бошлиғининг ўринбосари эди. У кишидан бир умр миннатдорман. Устозим оламдан ўтиб кетган бўлса-да, ҳозиргача оила аъзолари билан алоқаларимиз узилмаган.

Яна бир устозим Абдуҳаким Қосимовдан ҳам жуда миннатдорман. Ҳозир нафақада, шунга қарамай, маҳалла оқсоқоли сифатида эл хизматида. Ҳар байрамда учрашиб, қўнғироқлашиб турамиз.

## ОИЛА – МУҚАДДАС

Турмуш ўртоғим Гулнозахон билан тўрт қиз, бир ўғилни вояга етказдик. Ҳаммаси олий маълумотли, касб-корли бўлишди. Ўн беш неваранинг бобоси ва бувижонимиз. Ўғлим молия тизимида ишлайди. Аллоҳга минг қатла шукур, онасининг саъй-ҳаракати, тарбияси билан фарзандларим эсли-ҳушли бўлиб камолга етди.

**Фозилжон МАМАШАРИПОВ,**
**«Postda» мухбири.**

ХИЗМАТЛАРДА

# ҲАЁТДАГИ БАХТЛИ ЛАҲЗАЛАР

**Юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият даражасига кўтарилган. Қайсидир сабаб билан йиллар давомида Ўзбекистон фуқаролигини ололмаган минглаб одамлар мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотлар шарофати туфайли Ўзбекистон фуқароси деган шарафга эришмоқда.**

Андижон вилояти ҳудудида доимий яшовчи, фуқаролиги бўлмаган 20 нафар шахсга тантанали равишда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти топширилди.

Тадбирни Андижон вилояти ИИБ бошлиғининг маслаҳатчиси, истеъфодаги подполковник Орифжон Йўлдошев очиб, бундай шарафга эришганларни фуқароликка қабул қилингани билан табриклади ва уларга омад, оилавий фаровонлик тилади.

– Сўнгги уч йилда Андижон вилоятида яшаётган 1916 нафар шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олди, – дейди вилоят ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлиғи, подполковник Муҳаммадолим Раҳимов. – Мазкур йўналишдаги ишлар жадал давом этмоқда.

– Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида»ги фармонида ўз исм-шарифимни ўқиб, бахтиёрликдан кўзларимга ёш келди, – дейди Булоқбоши тумани «Учтепа» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи 49 ёшли Тўхтахон Холматова. – Шундан буён ўзимни энг бахтли инсонлардан бири сифатида ҳис қиляпман. Бугун эса Ўзбекистонни ўз Ватани деб, унинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ инсонлар қаторида Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортига эга бўлдим. Озод ва обод юртимизда кўп миллатли халқнинг тинч-осойишта яшаши, фуқаролар ўз эзгу ниятларини амалга ошириши учун барча шароитлар яратилган. Бугун ана шундай бағрикенг давлатнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлганимдан фахрланаман.



**Сўнгги уч йилда Андижон вилоятида яшаётган 1916 нафар шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олди.**



– Ёшим олтмишда, – дейди Нуриддин Ўринбоев. – Қўрғонтепа туманидаги Дардоқ қишлоғида туғилганман. Тақдир тақозоси билан 1987 йилдан 1994 йилгача Қирғизистонда яшаб, кейин ўз она юртимга қайтдим. Рафиқам ва фарзандларим билан эл равнақига ҳаёоли қудрат ҳисса қўшаётганимиздан ғурурлансам-да, бу ажойиб юртнинг фуқароси бўлмаганим учун кўнглимда кемтиклик сезардим. Мен ҳам бошқалар каби, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлишни орзу қилардим. Шукрки, орзуйимга эришдим – инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган муқаддас Ватанимизнинг бугундан эътиборан ҳақиқий фуқароси бўлдим. Бунинг учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, юртимизнинг тараққиёти, халқимиз фаровонлигига ҳалол меҳнатим билан ҳисса қўшишга ваъда бераман.

**Борис КЛЕЙМАН,**
**«Postda» мухбири.**
**Б. МАМАЖОНОВ олган суратлар.**

# БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ

**Президентимизнинг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида Урганч туманида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш борасида маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга ошириладиган комплекс чора-тадбирлар» дастури ишлаб чиқилган ҳамда маҳаллаларда тегишли ташкилот ва идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилиб, ҳар бир оиладаги хотин-қизларнинг турмуш тарзи атрофлича ўрганиляпти.**

– Жумладан, шу кунгача 4 нафар муқаддам судланган, 11 нафар жиноят содир этишга мойил, 7 нафар спиртли ичимликка ружу қўйган ҳамда 24 нафар вояга етмаган фарзандларининг келажагига бефарқ муносабатда бўлаётган хотин-қизлар билан профилактик ишлар олиб борилди, – дейди туман ИИБ ҲПБ хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, капитан Мадина Ҳимматова. – Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этган 10 нафар хотин-қизнинг оилавий аҳволи, муаммолари ўрганиб чиқилганда, уларнинг аксарияти носоғлом муҳитда яшаётгани, ота-оналарнинг назоратидан четда қолгани аён бўлди. Хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш мақсадида ҳам зарур тарғибот тадбирлари ўтказилди. Бундай профилактик тадбирлар натижасида аёллар томонидан содир этилаётган жиноятлар сони кескин камайишига эришилмоқда.

Ходимлар оила-турмуш муносабатлари доирасидаги низоларни эрта аниқлаб, керакли тавсиялар беришяпти. Афсуски, шунга қарамай, баъзи оилаларда ҳамон низоли вазиятлар учраб турибди. Масалан, Урганч туманининг Чолиш шаҳарчасидаги К. Отаниёзов номли маҳаллада яшовчи қайнона-келин ўзаро келишмовчилик сабаб бир-бирига тан жароҳати етказишган.

Туман ИИБ ҲПБ хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази раҳбари, ҳудуд профилактика инспектори ҳамда маҳалла фаоллари иштирокида ушбу оиланинг муаммолари, ҳуқуқбузарлик сабаблари ўрганиб чиқилди. Маҳалладаги ёши улуғлар уларга насиҳат қилишди. Шундан сўнг қайнона-келин ўртасидаги келишмовчилик бартараф этилиб, оилада соғлом муҳит яратилди.



Шунингдек, М. Хоразмий номли маҳаллада яшовчи Х. Йўлдошева ўғли билан келини арзимаган келишмовчилик сабаб ажрашмоқчи эканлигини айтиб, уларни яраштиришда ёрдам сўраб мурожаат этганди. Икки ёш маҳалла фуқаролар йиғини биносига чақирилди ва юзма-юз суҳбат олиб борилди, муаммолари, ажралиш сабаблари ўрганилди. Маҳалла фаоллари, ҳаётнинг паст-баландини енгиб ўтган нуронийлар уларга оила муқаддаслиги, турмушнинг завқли онлари билан бирга, машаққатлари ҳам бўлишини, бахтга фақат сабр-бардош билан эришиш мумкинлиги, ўртада норасида гўдак сарсон бўлмаслигини тушунтиришди. Ёшлар хатоларини тушуниб, бир-биридан кечирим сўрашди. Шу тариқа ажрашиш остонасида турган оила сақлаб олинди.

Туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда маҳаллаларда хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар билан биргаликда кам таъминланган ҳамда ногиронлиги бўлган оилаларнинг ҳолидан мунтазам равишда хабар олиниб, ҳокимлик ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини томонидан моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиляпти.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Суратда: капитан Мадина Ҳимматова хизмат пайтида.*

**Муаллиф олган сурат.**

МЕЖДУНАРОДНЫЕ СВЯЗИ

# ОБСУЖДЕНЫ АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОТРУДНИЧЕСТВА

**МВД Республики Узбекистан с официальным визитом посетила делегация КНР во главе с Первым заместителем начальника Управления общественной безопасности (УОБ) г. Чжэнчжоу господином Чжан Шуцзюнь**



Узбекско-китайские отношения имеют перспективное развитие практически во всех направлениях и сферах общественной жизни, и особенно в вопросах обеспечения безопасности и борьбы с проявлениями как транснациональной, так и общеуголовной преступности. В этом аспекте между правоохранительными органами двух дружественных государств налажено тесное сотрудничество и взаимодействие, что особенно актуально в условиях современности.

Представители китайской делегации узнали многое об осуществляемых в нашей стране кардинальных реформах и нововведениях, затронувших в немалой степени и систему органов внутренних дел, в ходе чего эффективность деятельности структур МВД республики и его подразделений на местах возросла многократно.

В свою очередь, члены делегации УОБ г. Чжэнчжоу, поблагодарив за теплый и радушный прием, выразили твердую уверенность в том, что взаимодействие и сотрудничество между правоохранительными органами наших стран будет поставлено на более высокий уровень. В ходе конструктивного диалога стороны поделились опытом работы, состоялся обмен мнениями, были поставлены задачи на перспективу сотрудничества.

**Г. ПЕТРОСЯН,**
**корреспондент «На посту».**

ЕСТЬ ТАКАЯ СЛУЖБА

# ИХ РАБОТА И ОПАСНА, И ТРУДНА...



**В минувшем году Следственным управлением при УВД Самаркандской области было расследовано более 4100 уголовных дел, раскрыты сотни преступлений. За каждым – человеческие судьбы**

Расследование уголовных дел, осмотр места происшествия, изучение имеющихся улик, получение необходимых лабораторных исследований, определение существенных деталей – только малая часть задач, возложенных на плечи сотрудников следственного управления.

Профессия следователя, с одной стороны, востребованная, поскольку настоящие специалисты – на вес золота, с другой – опасная, ведь сотрудники часто сталкиваются с агрессией, подлостью, проявлением низших человеческих качеств.

В Следственном управлении при УВД Самаркандской области работают 164 сотрудника: 107 следователей и 56 дознавателей.

– Главное – квалифицированные кадры, – считает заместитель начальника Следственного управления при УВД Самаркандской области подполковник Дильшод Курбонов. – Следователь должен обладать определенными навыками, в числе которых хорошая физическая подготовка, высокие интеллектуальные способности, умение анализировать ситуацию, просчитывать возможные действия преступников. А поскольку работа направлена на обеспечение общественной безопасности, то важен и социальный аспект. Следователь должен уметь отстоять свое мнение, основанное на достоверных фактах и неопровержимых доказательствах. Помимо знания юридических вопросов, ему необходимо разбираться и в других сферах, например, в банковском деле, если расследуются экономические преступления, или в медицине, в случае уголовного разбирательства, связанного с врачебной деятельностью. Сотрудничая с органами дознания, следственной группой, криминалистами, судмедэкспертами, судебными исполнителями, следователь должен находить со всеми общий язык, проявлять гибкость в отношениях с людьми.




В последние годы участились случаи кибермошенничества, распространения роликов и видеоматериалов в интернете. К примеру, совсем недавно по социальной сети разошлась информация об инциденте, произошедшем с учеником общеобразовательной школы № 3 Иштыханского района. Самое печальное, что люди, не зная о ситуации изнутри, выставляют дело на всеобщее обозрение, делают поспешные выводы. Изучая данный факт, мы обратили внимание на то, что близкие пострадавшего и школьный коллектив высказывают абсолютно противоположные мнения. Одни утверждают, что ребенок был избит заместителем директора, а затем сброшен со второго этажа школы. Работники образовательного учреждения говорят обратное, настаивая на том, что ученик сам хотел напугать заместителя директора школы, поэтому взобрался на подоконник. С их слов, заместитель директора пытался остановить ученика, и даже схватил его за школьный ранец, удерживая некоторое время, но лямка ранца порвалась, ученик упал со второго этажа и получил травмы.

В настоящее время сотрудники районной прокуратуры и органов внутренних дел проводят по данному факту доследственную проверку. Только после получения результатов судебно-медицинской экспертизы станет ясно, имел ли место факт избиения, или это травма была получена в результате падения.

Профессионалы, работающие в следственных органах, стараются не допускать ошибок. Поэтому каждое дело требует досконной и глубокой проработки, чтобы не пострадали ни в чем не повинные люди, а преступники, наоборот, были наказаны.

**З. БАЛТАЕВА,**
**корреспондент**
**«На посту».**
*Самаркандская область.*
**Фото автора.**

МЕРОПРИЯТИЕ

# УХОД НА ЗАСЛУЖЕННЫЙ ОТДЫХ – ОСОБОЕ СОБЫТИЕ В ЖИЗНИ КАЖДОГО ЧЕЛОВЕКА

**Недавно в актовом зале Управления миграции и оформления гражданства МВД Республики Узбекистан на заслуженный отдых проводили старшего инспектора отдела учета иностранных граждан подполковника Насибу Уткировну Обидинову**



За плечами этой женщины – огромный профессиональный и жизненный опыт. Более 26 лет подполковник Н. Обидинова посвятила службе в этом подразделении. Хорошо эрудированная, с широким кругозором, дисциплинированная, ответственная, обладающая развитым чувством долга, она всегда являлась примером для окружающих.

Огромный опыт работы, высокий профессионализм, творческий подход к делу позволяли подполковнику Н. Обидиновой успешно справляться с большим объемом работы. За добросовестную службу и старание Насиба Уткировна не раз поощрялась руководством. Вот и в день выхода на заслуженный отдых ее одарили памятными подарками и, конечно же, словами признательности, уважения и благодарности.

– Вы всегда ответственно относились к порученному делу, требовательно – к себе и коллегам. Зарекомендовали себя грамотным, компетентным специалистом, заслужили авторитет и уважение сотрудников, – отметил начальник Управления миграции и оформления гражданства МВД Республики Узбекистан полковник Улугбек Мухамедов. – Это грустные мгновения, так как с Вашим уходом нас покидает целая эпоха. Вы всегда были сердцем управления, его душой, работали, полностью отдаваясь профессии, своему призванию. Надеемся, что наше сотрудничество не прервется! Нам еще не раз понадобятся Ваш грамотный взвешенный совет, опыт и мудрость. Двери нашего Управления всегда распахнуты для Вас.

К поздравлениям присоединились сотрудники различных отделов. Коллеги благодарили Насибу Уткировну за добросовестную службу, желали крепкого здоровья, благополучия, успехов, выражали искреннюю надежду на то, что она не забудет уже ставшее родным управление.

– Насиба Уткировна неизменно пользовалась заслуженным авторитетом. Все знают ее как доброжелательного, отзывчивого и ответственного человека, – отметил заместитель начальника Управления миграции и оформления гражданства МВД Республики Узбекистан подполковник Улугбек Мирзакамбаров. – Она воспитала не одно поколение достойных учеников, которые успешно служат во благо Родины. Помимо высоких профессиональных качеств, Насиба Уткировна обладает добротой, вниманием и уважением к коллегам. Желаю, чтобы с выходом на заслуженный отдых у виновницы нашего торжества появилось больше времени на реализацию своих талантов, увлечений. Пусть этот виток судьбы откроет новые горизонты, все вершины покоряются, а планы легко исполняются.

Насиба Уткировна, в свою очередь, выразила коллективу свою благодарность.

– Спасибо за теплые слова. Мне было очень приятно работать с вами. Глубоко тронута вашим добрым отношением. Грустно прощаться с коллегами и друзьями. Я благодарна руководителям нашего управления и всему личному составу за плодотворную совместную работу на протяжении многих лет.

Подполковник Н. Обидинова прошла свой служебный путь с достоинством и честью. Присутствующие пожелали и в дальнейшем поддерживать тесные связи и выразили надежду, что Насиба Уткировна не перестанет делиться с молодыми сотрудниками накопленным опытом и знаниями.

**Соб. корр.**
**Фото А. КЕНЖАЕВА.**

ВОПРОСНИК

# ЛИТЕРАТУРА, ИСКУССТВО, ТУРИЗМ

**Три вопроса сотруднику органов внутренних дел:**
**1. Какую книгу вы прочитали?**
**2. Как давно посещали театр?**
**3. Какую достопримечательность страны посетили недавно?**



**Шухрат АГЗАМХОДЖАЕВ, главный инспектор УМС МВД Республики Узбекистан, подполковник:**

**1.** Бывают моменты, когда хочется взять книгу, которую уже не раз читал, и вновь погрузиться в удивительный мир, созданный любимым писателем. Недавно с удовольствием перечитал известное произведение Даниэля Дефо «Робинзон Крузо». Роман, обессмертивший имя автора, – не просто история человека, который волею судьбы 28 лет был вынужден жить один на один с природой, он повествует о нравственном возрождении личности, о подвиге человека, который, несмотря ни на что, остался Человеком.

**2.** Регулярно посещать театр получается не всегда, но если все же удается вырваться, то в первую очередь предпочтение отдаю комедии. Ведь этот жанр силой смеха и здорового юмора способен дать «встряску» нашему внутреннему миру и «освободить» его от накопившегося стресса. Пример тому – спектакль «Упрямые», который идет в Узбекском национальном академическом драматическом театре.

**3.** По долгу службы, в рамках протокольных мероприятий нередко приходится сопровождать иностранные делегации по регионам Узбекистана. Каждый город нашей Родины по-своему интересен. Однако больше всего меня очаровывает древний Самарканд, его величественные памятники архитектуры. Площадь Регистан, архитектурный комплекс Шахи Зинда, Мавзолей Гур-Эмир, Мечеть Биби Ханум… Эту красоту можно лицезреть бесконечно, поражаясь таланту архитекторов и мастеров.



8 ЯНВАРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

# МУВАФФАҚИЯТЛАР ЁР БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 декабрдаги қонунига мувофиқ, 8 январь мамлакатимизда прокуратура органлари ходимлари куни этиб белгиланган эди. Шундан буён ушбу сана мазкур тизим ходимларининг касб байрами сифатида кенг нишонланмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 10 январь куни Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 7-ички ишлар бўлимига ташрифи чоғида:

– Профилактика ишлари таҳлилга асосланиши керак. Ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилиш органида жиноятчиликнинг жойи ва тури бўйича чуқур маълумот бўлиши, бунинг учун давлат идоралари, жамоат ташкилотлари мунтазам бирга ишлаши зарур. Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, прокуратура – ҳаммаси халққа хизмат қилиши керак. Шу билан бирга, жамиятда ҳам жаҳолатга қарши маърифат кучли бўлиши лозим. Муҳит шундай бўлиши керакки, ҳеч ким жиноятга қўл ура олмасин, – деган эди.




Ички ишлар органлари халққа хизмат қилишдек муштарак мақсад йўлида прокуратура органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилаётгани туфайли жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида ижобий натижаларга эришмоқда. Тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилишини таъминлашда ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришда прокуратура органларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ички ишлар органлари фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича, Вояга етмаганлар ишлари бўйича, Одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳамда Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияларининг ягона мувофиқлаштирувчи органидир.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларини касб куни билан қизғин табриклаб, уларга қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш борасидаги масъулиятли фаолиятида муваффақиятлар тилаймиз.

**ИИВ Бирлашган таҳририяти жамоаси.**

БИР САФДА

# БИРИ ТЎМАРИС, БИРИ ЭСА БИБИХОНИМ...

Жиззах вилояти ИИБ Кадрлар бошқармасининг бош инспектори, подполковник Дилбар Аширматова бошқарманинг хотин-қизлар кенгашига раислик қилади.



– Агар аёл киши форма кийишга, эл тинчлигини асраш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга жазм қилибдими, демак, унда шунга яраша жасурлик, ирода ва қобилият бор, – дейди у. – Қолаверса, бир қатор синовлардан ўтганлиги, белгиланган талабларга тўла мос келганлиги учун ҳам хизматга қабул қилинган. Ҳар қандай касбдаги сингари бу соҳада ҳам ўз ишини севадиганлар муваффақиятга эришади.

Таъкидлаш лозимки, юртимизда йилдан-йилга ички ишлар органларида хотин-қизлар сони ортиб боряпти. Жумладан, Жиззах вилояти ИИБда ҳам айни пайтда 41 нафар шаҳодатланган, 144 нафар ишчи-хизматчилар фаолият кўрсатаётир. Шаҳодатланган аёл ходимларнинг 34 нафари офицер, 7 нафари сафдор ходимдир. Улар жиноят қидирув, йўл ҳаракати хавфсизлиги, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, тергов соҳасида сидқидилдан хизмат қилмоқда. Демоқчимизки, аёллар барча соҳавий хизматларда эркаклар билан бир сафда хизмат қилишяпти, кези келганда, жамоасига ибрат бўлишмоқда. Беш нафар хотин-қиз эса раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатмоқда. Булар ҳаммаси мамлакатимизда аёлларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, гендер тенглигини таъминлаш борасидаги ислоҳотларнинг натижасидир.

Подполковник Дилбар Аширматова таъкидлаганича бор: 2019 йилда Жиззах вилояти ИИБнинг шаҳодатланган шахсий таркиби 19 нафар хотин-қиз ҳисобига ортган.

Вилоят ИИБ хотин-қизлар кенгаши томонидан ходимларни ижтимоий ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, шахсий таркиб Самарқанд, Наманган, Жиззах вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги госпиталлар, шу билан бирга, «Ўзбекистон» санаторийсида соғлиқларини тиклаш, вилоят марказидаги мактабгача таълим муассасасига фарзандларини жойлаш имконига эга.

Хотин-қизларнинг жисмоний ва жанговар шайлигини ошириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга қаратилган тадбирлар ҳам мунтазам уюштирилмоқда. Ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари ўтказиладиган спорт машғулотларида мунтазам қатнашишяпти. Айримлари ўқ отиш машқларида ҳам юқори натижаларни қайд этишган, аниқроғи, уларнинг ўнга яқини мерганлар қаторида тилга олинади. Шунингдек, ҳар чоршанба куни ИИБ соҳавий хизматлари масъуллари аёл ходимларнинг билимларини янада ошириш мақсадида турли йўналишларда дарс ўтади.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят ИИБ хотин-қизлар кенгаши томонидан 9 та маънавий-маърифий тадбир ҳамда спорт мусобақалари ўтказилган. Ходимлар ўртасида психологик тренинглар мунтазам уюштирилаётир. Бу каби саъй-ҳаракатлар натижасида аёл ходимларнинг фаолият самарадорлиги ошиб бормоқда. Хусусан, уларнинг 11 нафари Ички ишлар вазирлиги, 19 нафари ҳудудий ички ишлар органлари, 14 нафари давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан рағбатлантирилган.

– Президентимиз ташаббуси билан ички ишлар органлари тизимида хотин-қизлар масалалари бўйича инспектор лавозимларининг жорий этилганлиги жойларда аёллар ва вояга етмаганлар муаммоларини ҳал қилишда муҳим ўрин тутмоқда, – дейди Дилбар Аширматова. – Хотин-қизлар ички ишлар органи ходимига юрагидаги ташвишларини айта олмаслиги мумкин. Аммо аёл ходим билан тез тил топишади. Бу эса муаммонинг илдизини топиш ва уни ҳал қилишдаги асосий босқичдир. Ярим йил илгари ташкил этилган мазкур соҳа вакиллари томонидан 147 та оилавий ажримнинг олди олинди. Хорижга чиқиб кетган 11 нафар аёл оиласи бағрига қайтарилди. 156 нафар хотин-қизга ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатилди. 29 нафар кам таъминланган оилага моддий кўмак берилди. Шу ойда бир нафар бедарак йўқолган қиз ҳамда тиланчилик билан кун кўраётган аёл инспекторларимиз томонидан яшаш жойларига қайтарилди. Шунингдек, аёллар ва болаларга фуқаролик ҳужжатларини расмийлаштириш, таълим муассасаларида давоматни назорат қилиш, профилактик ҳисобда турганлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доир суҳбатлар ўтказиш каби ишларда фаоллик кўрсатишяпти. Қисқача айтганда, мамлакатимиз ички ишлар органларида хизмат қилаётган хотин-қизлар ҳали бу даражада халқ орасига кириб бормаган ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича бундай кўламда фаолият кўрсатмаётган эди.

Яна бир нарса, аёл қайси касбда ишламасин, оиласини устувор билади. Хусусан, ички ишлар органлари сафида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар фарзанд тарбияси, рўзғор тутиши билан ҳаммага намуна бўлиши керак. Бунга зарур шароитлар яратилмоқда. Жумладан, ўтган йилнинг февраль ойидан вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор Ғайрат Қодировнинг ташаббуси билан тизимда ишловчи барча хотин-қизлар фақат кундузи фаолият олиб бориши белгилаб қўйилди. Айтганча, сафдошларимиздан 12 нафарининг турмуш ўртоқлари ҳам ички ишлар органи ходимлари. Муҳими, халқимиз осойишталигини таъминлаш ишига ўз ҳиссамни қўшаётганимдан фахрланаман.

Бир сўз билан айтганда, элу юрт осойишталигини асрамоққа бел боғлаган ҳар қандай инсон эъзозга лойиқ. Агар бу ишнинг бошини аёл тутган бўлса, у икки бора ҳурматга муносибдир.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ, «Postda» мухбири.**
*Жиззах вилояти.*

**Суратларда:** *вилоят ИИБ тизимидаги аёл ходимларнинг фаолияти акс этган.*





АСКАРЛАРНИНГ БИР КУНИ

# «БИЗ ЎЗБЕК ЎҒЛОНИМИЗ, ШАРАФИМИЗ, ШОНИМИЗ!»

**Тун борлиққа ёйган қора пардасини йиғиштириб улгурмасидан, пойтахт кўчаларида ҳаёт қайнайди. Субҳидам насими юзларини чимчилиб ўтаркан, гўё шаддод маъшуқанинг ўйинига парво қилмаган йигитдек жиддий қиёфада турган аскар қуролини янада маҳкамроқ тутиб атрофга ҳушёр назар ташламоқда. Кундузгидек ёритилган ҳарбий қисм ҳовлисини диққат билан кўздан кечираркан, унинг уясини қўриқлаётган лочинникидек ўткир нигоҳларидан ҳеч нарса четда қолмайди. Тунги соқчиликка тайинланган, минорада хизмат олиб бораётган бу аскарнинг ҳушёрлиги Ватан осойишталигини таъминлашга бўлган масъулиятни чуқур ҳис этиб турганидан далолат. Аскарларга уйғониш вақти бўлганлиги тўғрисида буйруқ берилгач, бир неча дақиқа аввал ҳукм сураётган сукунат барҳам топди.**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинларига қарашли Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида хавфсизликни таъминловчи ҳарбий қисмда йигитлик бурчини ўтаётган муддатли ҳарбий хизматчилар учун ҳам янги кун бошланди. Уйқунинг энг ширин палласи баҳридан ўтган ўктам ўғлонлар эрталабки бадантарбияга киришишади. Умумчиниқтирувчи машқлар ниҳоясига етиб, қўл жанги усуллари, жанговар ҳаракатлар бўйича машғулотлар ўтказилди. Юзларидан маржон-маржон тер оқиб шуғулланаётган йигитларнинг алп қомати, спортда чиниққан мушакдор билаклари юрт осойишталигига рахна солувчи ҳар қандай кучни маҳв этишга қодир. Ҳарбий қисмнинг спорт залида барча шарт-шароитлар муҳайё. Турли машқларни бажаришга мўлжалланган ускуналар — велотренажёр, югуриш йўлакчаси, штанга, турник ва бошқалар жамланган. Кези келганда айтиш жоизки, аскарлар орасида ҳарбий хизматга келишидан олдин ҳам спортнинг турли йўналишларида шуғулланиб, нуфузли мусобақаларда иштирок этганлари талайгина. Масалан, оддий аскарлар Дилшод Сайназаров ҳамда Заҳириддин Қўчқоров эркин кураш, Бегзод Маназаров армрестлинг, Убайдуллахўжа Султонов каратэ, Мираббос Исмоилов жанговар самбо, Илҳом Нуриддинов шахмат каби спорт турлари билан шуғулланишган. Улар ўқувчилик чоғларидаёқ мусобақаларда ғолиб бўлиб, ўз маҳоратларини намойиш этишга улгурган. Оддий аскар Илҳом Нуриддинов ўтган йили Қуролли Кучлар тизимида ўтказилган шахмат мусобақасида иштирок этиб, Тошкент ҳарбий округи микёсида ғолибликни қўлга киритди. Ўзлари қизиққан машғулотлар билан ҳарбий хизматда ҳам шуғулланишлари учун яратилган шароитлардан улар бениҳоя мамнун.

Бир оздан сўнг чор атрофни ларзага келтириб, саф қўшиғи янграй бошлади:

**«Ташлаб дадил,**
**мардона қадам,**
**Биз майдондан**
**ўтамиз шахдам»,**

дея жўр овозда куйлаётган аскарларнинг қадам товушлари ҳам гўё заминни титратиб, қўшиққа ҳамоҳанг тарзда эшитиларди. Бу уларнинг нонуштага кетаётганидан далолат берарди.

Нонуштадан сўнг саф тортган йигитларга эрталабки хизмат йўриқномаси ўтилиб, баъзилари хизмат ҳудудларига йўл олишди. Қолганларга дарс машғулотлари бошланди. Улар кенг ва шинам ўқув хоналарида тажрибали устозлардан соҳа сирларини ўрганишяпти. Ҳарбий қисм клуби бошлиғи, катта лейтенант Низомиддин Шерматов уларга маънавий-маърифий билимларини ошириш ҳақида сўзларкан, бу борада китобхонликнинг ўрни катта эканини таъкидлайди. Унинг ўзи ҳам "Энг яхши китобхон", «Темур тузуклари билимдони» каби танловларда иштирок этган. Жисмоний ва жанговар тайёргарлик, саф тайёргарлиги каби махсус ҳарбий билимларни эса гуруҳ командирлари, катта сержантлар Баҳодир Туропов, Шаҳобжон Собиров ва бошқа кўп йиллик тажрибага эга устозларидан ўрганишяпти.

Ҳарбий қисм кутубхонасида ўн мингдан ортиқ турли мавзудаги бадиий, ҳуқуқий, сиёсий, илмийоммабоп китоблар мавжуд.

— Детектив асарларни ёқтираман, — дейди оддий аскар Даврон Абдукаримов. — Жиноятчиларнинг инсон хаёлига келмайдиган найрангларию уларни уддабуронлик билан фош этган изқуварлар фаолиятига қизиқишим кучли. Ҳатто берилиб кетган пайтларимда, ўзим ҳам изқуварлар билан бирга жиноятчини қувиб юргандек, жиноят жойларидан ашёвий далиллар излаётгандек бўламан. Китобни энг яхши дўст дейишлари бежиз эмас. Чунки китоб ўқиган кишининг сўз бойлиги, билими ошиб, дунёқараши кенгаяди.

Бу аскар билан суҳбатлашар эканмиз, китоб ўқишдан ташқари, расм чизишга ҳам иштиёқи баланд эканини билиб олдик. Ҳарбий қисм девордий газеталарини безашда у чизган суратлардан фойдаланилар экан. Оддий аскар Мираббос Исмоилов эса Навоий ва Бобур ғазалларини ёқтиришини, уларнинг бир қанчасини ёддан билишини айтди. Ўзини Муродил Маҳамаджонов деб таништирган аскар географияга оид адабиётлар ишқибози экан. Ҳатто 2015 йилда ўқувчилар ўртасида география бўйича олимпиадада иштирок этган, туман босқичида ғолибликни ҳам қўлга киритган экан.

Кутубхонадан чиқиб, Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида хизмат ўтаётган аскарлар ёнига бордик. Улар ҳар бир фуқарони диққат билан кузатар, шубҳали шахс ёки ҳаракат сезилгудек бўлса, дарҳол тегишли чораларни кўришга шай туришарди. Нарядларга бошчилик қилаётган сержант эса уларга лозим бўлганда зарур топшириқлар берар, ҳушёрликни бир лаҳза бўлсин, йўқотмаслик кераклигини уқтирарди.

Аскарлар билан кун тартиби бўйича жисмоний ва жанговар тайёргарлик, маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотлари ўтилди. Тушликдан сўнг улар ўтилган мавзуларни такрорлашди ва бошқа ишлар билан шуғулланишди. Уларнинг қачон нима билан шуғулланиши олдиндан қатъий белгиланган эди. Ҳар бир инсон ўз кундалик ишларини шундай тартиб билан режалаштирса, албатта, унинг ишида унум, барака бўлишига ишонч ҳосил қилдик.

Ватан ҳимоячилари кечки сайрга саф тортгач, яна юракларда ватанпарварлик, мардонаворлик, фидойилик каби туйғуларни жўш урдирувчи қўшиқ янграйди:

**«Биз ўзбек ўғлонимиз,**
**шарафимиз, шонимиз!**
**Тозадир имонимиз,**
**она юрт посбонимиз!»**

Бу сўзлар замирида аскарларнинг Ватан осойишталиги йўлида хизмат қилаётганидан чексиз ғурур туяётгани сезилиб турарди. Уларнинг жўр овозда айтган саф қўшиғини тингларкансиз, шу юрт тинчлиги учун, керак бўлса, ҳаётини фидо этажак жасур ўғлонлар борлигидан қалбингиз ифтихорга тўлиши шубҳасиз.

**Иномжон РАҲИМХЎЖАЕВ,**
**«Postda» мухбири.**
**Содиқ ҲАКИМОВ**
**олган суратлар.**









СЕМИНАР

# ВПЕРЕДИ МНОГО ЗАДАЧ

**В УВД Андижанской области состоялся учебно-практический семинар, посвященный вопросам укрепления служебной дисциплины среди личного состава, обмена опытом в сфере социально-правовой защиты, роли ветеранов в воспитании молодых сотрудников в духе патриотизма, верности служебному долгу**



В работе семинара приняли участие ответственные сотрудники силовых структур области, заместители начальников городских и районных отделов внутренних дел по воспитательной работе, заместители командиров войсковых частей Главного управления караульных войск и Главного управления войск по обеспечению безопасности в международных аэропортах МВД Республики Узбекистан.

Мероприятие вступительным словом открыл заместитель начальника УВД Андижанской области, начальник управления кадров полковник А. Имяминов. Обращаясь к присутствующим, он заострил внимание на недостатках, выявленных в вопросах соблюдения служебной дисциплины, указал на пути их устранения.

Докладчик отметил, что патриотическое воспитание развивает у сотрудников и военнослужащих гражданскую и профессиональную ответственность, активную жизненную позицию, высокую степень общественной коммуникативности, формирует позитивные личностные качества, позволяющие осуществлять эффективную деятельность по защите Родины и Закона, прав и свобод человека.

Далее с докладом о проделанной работе выступил заместитель начальника Избасканского РОВД по воспитательной работе подполковник Ш. Нажмидинов. Заместитель директора Андижанского академического лицея МВД подполковник А. Юлдашев в своем выступлении отметил, что в прошлом году сотни сотрудников повысили профессиональный уровень в Андижанском филиале Института повышения квалификации МВД, ознакомились с инновационными технологиями и методами.

Работа семинара проходила в виде диалога. Участники делились наработками в области укрепления служебной дисциплины, законности, вносили различные предложения.

**Б. УРИНОВ,**
**подполковник.**

ЧТО НОВОГО В ГОРНОМ РЕГИОНЕ?

# ГРАНИЦЫ ОТКРЫЛИСЬ, НО БДИТЕЛЬНОСТЬ НЕОБХОДИМА

**По инициативе Президента нашей страны открылись границы, налаживаются дружеские связи между государствами. Сейчас не возникает никаких проблем при въезде в соседние республики, нужно лишь не нарушать закон**

Задумайтесь, возможно ли было такое несколько лет назад? Поездки к родственникам в соседние страны сопровождались сбором документов, частыми проверками, бумажной волокитой.

Но, несмотря на созданные условия, некоторые лица настойчиво продолжают нарушать закон.

Сурхандарьинская область расположена на юге нашей страны, граничит с Таджикистаном, Туркменистаном и Афганистаном.

Сотрудники отдела координации деятельности оперативных подразделений в горной и приграничной местности УБТЭ УВД Сурхандарьинской области уделяют особое внимание взаимодействию с гражданами, особенно молодежью. Налаживается сотрудничество с председателями махаллей и инспекторами профилактики, изучаются проблемы населения.

При содействии руководителей области проводятся выездные приемы. Выявленные проблемы решаются на местах. К примеру, выяснилось, что многие юноши и девушки впустую проводят свое свободное время. Для обеспечения содержательного досуга в горных селах заработали почти 20 спортивных залов, различные кружки, путем хашара отремонтировали 13 пришедших в негодность строений, построили новое здание библиотеки.

Инициатива аксакалов махаллей, инспекторов профилактики и сотрудников, служащих в горной местности, получила поддержку руководителей УВД области, хокимиятов Сариасийского, Узунского, Денауского, Шурчинского, Кумкурганского, Джаркурганского, Термезского, Байсунского, Музрабадского районов – были выданы компьютеры, книги, необходимая техника.

Серьезное внимание уделяется обеспечению занятости женщин. Об этой проблеме узнали в областном хокимияте. В результате был решен вопрос с профориентацией. Восемь предпринимателей занялись обучением представительниц прекрасного пола. Теперь спрос на продукцию и одежду, изготовленную мастерицами народного промысла, проживающими в горной местности, растет с каждым днем.

«В моей махалле не должно быть преступлений» – в соответствии с этим лозунгом стражи порядка работают с аксакалами махаллей, изучают семейное положение ранее судимых, лиц, склонных к совершению преступлений, выехавших за рубеж граждан. В 2019 году значительно сократилось количество совершенных преступлений.

К сожалению, среди нас все еще встречаются граждане, которые своими деструктивными идеями засоряют сознание свое и окружающих их людей.

Несмотря на попытки некоторых лиц незаконно пересечь границу, наши стражи рубежей всегда стоят начеку, охраняя спокойствие граждан. Они верны выбранной профессии и служат во имя мира в стране.

**М. СУЛТОНОВ,**
**подполковник.**
**А. ХАКБЕРДИЕВ,**
**корреспондент «Postda».**
*Сурхандарьинская область.*



ВЕТЕРАНЫ – НАША ГОРДОСТЬ

# ЧЕЛОВЕК С ЖЕЛЕЗНЫМ ХАРАКТЕРОМ

**Июльским утром 1989 года в городе Асаке было совершено дерзкое ограбление. Когда, выйдя из банка, инкассаторы загрузили в машину два мешка, в которых находилось 123 тысячи рублей, и немного отъехали, их остановили двое мужчин в форме сотрудников органов внутренних дел, третий сидел в автомобиле «Жигули». Подойдя к инкассаторской машине, они направили обрезы на находившихся в ней людей и потребовали мешки с деньгами. Один из них держал инкассаторов на прицеле, другой перегружал мешки. Еще секунда, и «Жигули» скрылись с места происшествия**



*Подполковник в отставке Р. Исаев с супругой.*

Инкассаторы немедленно сообщили об ограблении в Асакинский РОВД.

По тревоге был поднят личный состав. Сотрудников разделили на группы. В одну из них вошел заместитель начальника по работе с личным составом Асакинского РОВД капитан Руслан Исаев. Прибыв на место происшествия, правоохранители стали искать свидетелей. Капитану Р. Исаеву удалось найти старика, который сообщил, что подозреваемые уехали на желтых «Жигулях» в сторону кукурузных полей. В погоню были немедленно направлены сотрудники. Спустя некоторое время капитан Руслан Исаев заметил клубы пыли. Их подняла автомашина желтого цвета, которая ехала впереди. Еще немного, и подозреваемые бы скрылись…

Р. Исаев дал команду рассредоточиться, для того чтобы перехватить грабителей. По рации сообщили другим группам об обнаружении подозреваемых.

Преступники поняли, что их могут задержать, бросили машину и скрылись в кукурузном поле.

В оставленном на краю поля автомобиле были обнаружены мешки с деньгами, форма сотрудников и два обреза. Через полчаса злоумышленников задержали. В ходе предварительного расследования было установлено, что они являются жителями Ташкентской области, ранее неоднократно отбывавшими наказание.

– Когда я работал инспектором отдела уголовного розыска УВД Андижанской области, – вспоминает подполковник в отставке Руслан Исаев, – в разработке находилось несколько нераскрытых дел. Самому «старому» из них было больше 15 лет. Вызывает меня как-то начальник отдела уголовного розыска подполковник В. Гуртовенко и говорит: займись-ка, Руслан, делом Ахмада Матисаева. А. Матисаев, в начале 1970-х годов убил своего соседа и скрылся. 15 лет числился во всесоюзном розыске, но безрезультатно. Я стал разрабатывать его связи: родственников, близких, знакомых. Удалось установить, что следы Матисаева ведут в Китайскую Народную Республику, в Синьцзян-Уйгурский автономный район. Через соответствующие государственные структуры был направлен запрос в КНР. Вскоре пришел ответ, в котором говорилось, что Ахмад Матисаев действительно работает пекарем в одном из ресторанов города Урумчи. Спустя время подозреваемый в совершении убийства был экстрадирован в Андижан и предстал перед судом.

Отец героя нашего очерка, Тожимамат Исаев, долгие годы работал в следственном отделе УВД Андижанской области, вышел на заслуженный отдых в звании полковника. Сыновья, Руслан и Эркин, пошли по его стопам. Руслан, окончив Ташкентский государственный университет (ныне НУУз), поступил на службу в органы внутренних дел. Первые два года работал инспектором по делам несовершеннолетних линейного отдела внутренних дел на станции «Андижан». Затем инспектором отдела уголовного розыска УВД Андижанской области, старшим инспектором отдела уголовного розыска, заместителем начальника по работе с личным составом Асакинского РОВД. В 1994 году подполковник Руслан Исаев по состоянию здоровья ушел с должности заместителя начальника штаба УВД Андижанской области.

Тяжелый недуг скосил энергичного, жизнерадостного человека, но он не сдавался. После сложной операции Руслан Исаев нашел в себе силы восстановиться, вернуться к обычному образу жизни. Несколько лет работал юристом в акционерном обществе «Автотеххизмат», заместителем директора Андижанского биохимического завода.

Последние годы вместе с супругой Зулхумор они занимаются воспитанием пяти внуков.

– Моим учителем и наставником я считаю Владислава Паттаржановича Гуртовенко, – говорит Руслан Исаев. – Это он научил меня оперативной работе, умению общаться с подозреваемыми. Мы и сегодня часто встречаемся, вспоминаем молодость.

Подполковник в отставке Руслан Исаев за годы службы воспитал ряд достойных учеников, таких как майоры Ахмаджон Абдуразаков, Икбол Парпиев, Хаётилло Абдуллаходжаев. Он прослужил в органах внутренних дел 16 лет, и сегодня его помнят как честного, самоотверженного человека, посвятившего себя Родине и народу.



**Б. КЛЕЙМАН,**
**корреспондент**
**«На посту».**
*Андижанская область.*
**Фото автора.**

14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

# МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ МАКТАБИ

**Ҳарбий либос кийган инсонлар ҳамма вақт эл орасида ҳурмат-эътиборга лойиқ бўлган. Бўй-басти келишган офицер ёки сержантни кўрган кишининг дилида беихтиёр ҳавас ҳисси уйғонади. Бунинг ажабланарли жойи йўқ, ахир, ҳар бир ҳарбий хизматчи мардлик, ботирлик ва жасорат тимсолидир.**



ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинларига қарашли 7254-сонли ҳарбий қисмида шахсий таркибнинг доимий равишда касбий маҳоратини ошириб бориши, ўқув жараёнида назарий билимларини мустаҳкамлашига алоҳида эътибор қаратилади. Бу ерда устоз-шогирдлик анъанаси кенг ривожланган – ёш ҳарбий хизматчилар тажрибали ходимларга бириктирилади, уларнинг бой тажрибаси, билим ва кўникмалари билан танишиб, турли вазиятларда қандай ҳаракат қилишни ўрганишади. Жамоада жисмоний тайёргарлик ва спортга алоҳида аҳамият берилади. Бу шахсий таркибни нафақат чиниқтиришга, балки ўзаро жипслаштиришга ҳам хизмат қилади. Ҳарбий қисм спортчилари Наманган вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ўртасида футбол, волейбол, сузиш, енгил атлетика, қўл жанги бўйича ўтказиладиган мусобақаларда фаол иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, майор Фахриддин Қодиров, гуруҳ командирлари, сержантлар Музаффар Муҳаммадиев ва Содиқжон Умрзоқов, автомобиль взводи бўлинмаси командири, сержант Ботир Исомуҳаммедов, тиббиёт пункти фельдшери, тиббиёт хизмати сержанти Рустам Убайдуллаев, Наманган халқаро аэропортининг назорат-ўтказиш пункти катта назоратчиси, сержант Нодирбек Олтинов бир қатор шогирдларни тарбиялашди. Ҳозирда уларнинг кўпи мамлакат бўйлаб ҳарбий бўлинмаларда хизмат қилишади.

Жамоа жуда аҳил-иноқ. Ҳар бир ҳарбий хизматчи қийин дамларда сафдошининг ёрдамига таяниши мумкин,

**Ҳарбий қисмда шахсий таркибнинг хизмат ўташи ва дам олиши учун барча шароитлар яратилган. Бу ерда 1200 нусхадан зиёд китоб фондига эга бўлган кутубхона, спорт зали, клуб, компьютер саводхонлигини ошириш хонаси, ошхона, душхона мавжуд.**



негаки, улар бир оила бўлиб яшашади. Умумий қизиқишлар, спорт мусобақалари ва бадиий ҳаваскорлик тўгарагида иштирок этиш жамоани янада жипслаштириб, бир бутунга айлантиради.

Яқинда ИИВ Наманган академик лицейи ўқувчилари ҳарбий қисмда меҳмон бўлишди. Ҳарбий хизматчилар улар учун замонавий қурол-аслаҳа, махсус техника кўргазмасини уюштиришди.

Келгусида осойишталик посбони бўлишни ният қилган йигит-қизлар ўқотар қуролларни қизиқиш билан кўздан кечиришди, зирҳли нимча ва каскаларни кийиб кўришди. Ҳарбийлар уларни қизиқтирган саволларга бажонидил жавоб қайтариб, қурол-яроғ ва ҳарбий техниканинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўзлаб беришди. Сўнгра ўқувчи ёшлар Ватан ҳимоячилари ҳамроҳлигида ҳарбий қисм биносини кўздан кечиришди, жангчилар хизматни қандай шароитларда ўтаётганини ўз кўзлари билан кўришди. Ёш меҳмонлар жангчилар учун таом тайёрлаш жараёни билан танишиб, тренажёр зали, кутубхона, тиббий пункт, бўлинманинг автомобиль шохобчасида бўлишди.

Жангчилар лицейда меҳмон бўлиб, қўл жанги, самбо ва шарқий яккакураш бўйича кўргазмали чиқишларни ташкил этишга ваъда қилишди. Лицейда таҳсил олувчилар ҳарбий қисмни кўтаринки руҳда тарк этишди.

Юртимизнинг Қуролли Кучлари сафида хизмат қилиш ёш авлод учун катта аҳамият касб этади. Чунки армия ёшларимиз учун ҳаёт мактаби бўлиб, уларни мард, жасур, иродали инсон қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

ИИВ халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинларининг чиниққан ҳарбий хизматчилари ҳам ички ишлар органлари ходимлари билан бир қаторда, мамлакатимиз фуқароларининг тинчлиги ва осойишталигини сақлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

**Иқболжон ТЎХТАСИНОВ,**
**подполковник.**

# САБРИ МЕТИН АЁЛЛАР







Субҳидам ширин уйқудан уйғонади. Оиласи учун мазали нонушта тайёрлаб, фарзандларини мактабга, боғчага жўнатади. Сўнг ўзига оро бериб, дилларни яшнатувчи табассум ила севимли иши томон йўл олади.

Кун давомида иш фаолиятидан ортиб, атрофидагиларга ғамхўрлик қилишга, яхши кайфият улашишга ҳам улгуради. Сахий қуёш тоғлар ортига бош қўйганидан сўнг яна қадрдон уйи томон ошиқади. Уй юмушлари, ширин таомлар тайёрлаш билан биргаликда, фарзандлар тарбияси ҳам уларнинг доимий эътиборидан четда қолмайди. Бу – ўзбегим аёллари, бу – юртимиз тинчлик-осойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида ҳуқуқ-тартибот органларида хизмат қилаётган фидойи аёллар.

Сабри метиндек, қалби меҳрга тўла бу аёлларга қанча меҳр кўрсатсак, шунча оз. Аёл бир вақтнинг ўзида зиммасига юкланган бир неча вазифани бажара олиши ҳайратингизни, шу билан бирга, уларга бўлган ҳурмат, меҳр-муҳаббатингизни оширади. Аёл – яхши маслаҳатгўй, вафодор умр йўлдош, меҳрибон она, талабчан раҳбар, бу каби тавсифларни яна кўп давом эттириш мумкин. Аёлга бир сўз билан таъриф бериб бўлмайди. У кўтарадиган юкни ҳамма ҳам кўтара олмайди. Шунинг учун ҳам «Ҳар бир эркак ортида, энг аввало, аёли туради» деб бежиз айтишмайди. Сабаби эркак киши ортида туриб, унга тиргак бўлган аёлгина уни улуғ мақсад сари илҳомлантиради.

Бизнинг оилада онам доимо иш ва оилани бир маромда сақлашга ҳаракат қилганлар. Шу билан бирга, қаттиққўл. Биз эса тартиб-интизомга риоя қилиб вояга етганмиз. Ватанпарварлик ҳиссини туйиб, юрт учун етук, нафи тегадиган инсон бўлишимизни ҳамма вақт онгимизга сингдириб келяпти. Ҳар ҳафта ўтказиладиган маънавият ва маърифат дарсларидан биз ҳам бебаҳра қолмас эдик, тинглаган ўгитларим ҳамиша асқатган. Ҳозирда ўз фикрига эга, ҳаётда мақсадини аниқлаб олган юрт фарзандиман.

Фурсатдан фойдаланиб, 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни билан ҳуқуқ-тартибот органларида хизмат қилаётган хотин-қизларни чин қалбимдан муборакбод этаман. Меҳри дарё, қадрли аёлларимизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, фаолиятларида муваффақиятлар тилайман. Доимо шундай нафис, меҳрибон бўлиб юринг. Юзингизни табассум, қалбингизни меҳр асло тарк этмасин. Шу ўринда алоҳида табригимни юрт хизматида бўлган, бизни ватанпарварлик, инсонийлик руҳида тарбиялаган онажонимга йўллайман. Оналарга бошимиз ерга теккунча таъзимдамиз. Сизлардан Ватанга муҳаббат, ишга садоқат ва масъулиятни ўргандик.

Бахтимизга соғ бўлинг, азиз аёллар!

Севара **МИРСАМАДОВА.**

# «ЁШ ҲАРБИЙ ЖУРНАЛИСТ»

## Маҳорат мактаби

**Мамлакатимиз тарихида биринчи бор Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида ҳарбий журналист кадрларни тизимли тайёрлаш йўлга қўйилди. Бўлажак ҳарбий журналистларнинг илк ижод намуналарини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этиш мақсадида газетамиз саҳифаларида айнан шу йўналишда таҳсил олаётган талаба ёшлар учун янги рукн ташкил этдик. Зеро, улар ижод бўстонига илк қадамларини қўйиб, ўз овозини топишга интилаётган ёшлардир. Энг асосийси, уларнинг ижодида она Ватанга муҳаббат ҳамда садоқат, миллатга фарзандлик ифтихори, бунёдкорлик руҳи уфуриб туради. Эзгу ниятлар ила бошланган мазкур лойиҳада кўплаб ёш истеъдод эгалари кашф қилинса, улар келажакда моҳир ҳарбий журналист бўлиб етишишларидан умидвормиз.**

**Таҳририят.**

# КУЛЧА ТУТГАН ҚЎЛЛАР

Ассалому алайкум, Онажон! Соғлигингиз яхшими, оёқ оғригингиз безовта қилмаяптими? Дадам, акам омонми? Саҳар чоғи туш кўрибман. «Болажоним, уйғон, тонг ёришди. Турақол, посбоним, сени Ватанинг кутмоқда. Турақол, жон болам, бирга нонушта қиламиз», дея бошимни силаяпсиз. «Уйғон!» деган буйруқдан ўзимга келдим.

Қанийди, ҳозир шу оқ қоғозга барча туйғуларимни сиғдира олсам. Мен яхшиман, сизларга муносиб фарзанд бўлиш учун шижоат билан хизмат қилмоқдаман...

Бугун Тошкентда қор ёғди. Эслайсизми, болалигимда «Ш» ҳарфи туширилган кўлқоп совға қилгандингиз. «Ўғлим, сенга атаб ўз қўлларим билан кўлқоп тўқидим. Қарагин, унда исмингнинг бош ҳарфи ҳам бор. Буни совуқ кунлари кийиб юргин, қўлларинг доим иссиқ турсин», дегандингиз.

Болалигимни тез-тез қўмсайман. Жуда эрка бўлган эканман-да, ўша кезлари... Ҳозир ўғлингиз анча улғайган, совуқдан қўрқмайди. Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам йигитлик бурчини ўтамоқда.

Онажон! Дадам яхшими? Ҳали ҳам катта кетмон елкасида, даласида куймаланиб юрибдими? Акам ва янгам, жажжигина жиянларим омонми? Уларга ҳам салом айтинг.

Чимён – меҳрга тўла инсонлар қишлоғи. Кўксимда шу меҳрнинг бир парчаси доимо қалбимни ёритиб туради. Фаррух ва Нодир – содиқ дўстларим. Эсимда, болалигимда эски уйимиз ёнидаги тепаликка тут егани боргандик. Ўшанда сизга ҳам тут олиб келганмиз, эсингиздами? Ўша тутларни сиз учун атай Фаррух терган эди.

Қўшнимиз Сора ҳам кап-катта қиз бўлиб қолгандир. Унинг жаҳлини чиқариш учун нуқул «пучуқ» дердим. У астойдил хафа бўлар, баъзан йиғлаб ҳам оларди. Тандир тўла нон ёпганингизда, Сора иккимиз учун атай ширин кулчалар ёпиб берардингиз. Кулчаларни қўлимга олмоқчи бўлсам, «Эҳтиёт бўл, қўлинг куяди!» дердингиз. Ўша иссиқ кулча тутган жажжи қўллар бугун забардаст бўлган ва улар йигитлик бурчимни ўташга муносиб ҳисса қўшяпти. Дадамга ўхшаган инсоф-диёнатли, меҳнаткаш инсон бўлиб юртимга сидқидилдан хизмат қилиш менинг олий мақсадим, Онажон.

Сизни, дадамни, уйдагиларни жуда соғинаман. Ўзингизни эҳтиёт қилинг!

Салом билан, аскар ўғлингиз Шаҳбоз!

**Аскар мактубини Сабоҳат СИТИРЗАЕВА оққа кўчирди.**





# МЕНИНГ ЮЛДУЗЛАРИМ...



– Дадажон, дадажо-он, осмонниям чиёқлайи боймиди?.. – катта-катта кўзларини самога тикканча дадасини саволга тутади жажжигина Омина.

– Албатта, оппоғим. Осмоннинг ҳам чироқлари бор. Улар юлдузлардир.

– Юлдузлай... Унда сизнинг юлдузлайингиз қаейни ёйитади, дадажон? – қизалоқ ҳайрат тўла кўзларини дадасининг елкаси узра порлаб турган юлдузчаларга қадади.

– Менинг юлдузларимми... Улар сенинг боғчангни, акангнинг мактабини, онажонингнинг шифохонасини, кўчаларимизни, сен яхши кўрадиган ўйинчоқ дўконлари, ҳайвонот боғлари бор-ку, ана ўшаларнинг ҳаммасини ёритади.

– Ву-уй, унда сизнинг юлдузлайингиз энг ёюғ чиёқлай экан-да, а?

Дадаси «ҳа» дегандек, жажжи Оминанинг пешонасидан ўпиб, уни бағрига босди.

Қизалоқ улғайди, дадасининг елкасини безаб турган юлдузлар сони ҳам кўпайди. Омина бу юлдузларнинг асосий вазифасини юқори синфга ўтгач, «Ёшларни чақирувга қадар тайёрлов» фани ўқитувчисидан билиб олди.

Шундагина Омина дадасининг касб машаққатларини теранроқ тушунгандек бўлди ва юрагида отасининг касбидан ўзгача ғурур туйди.

**Камола АДҲАМОВА.**

# ҲАРБИЙЛАР ҲАҚИДА КИТОБ ЁЗАМАН

Ҳар тонгни тинчлик-хотиржамликда, шукроналик билан қарши оламиз. Бундан ортиқ бахт борми? Энди бир ўйлаб кўринг-чи, бу тинчликнинг посбонлари кимлар? Албатта, Ватан осойишталиги ва фаровонлиги учун туну кун хизмат қилаётган, қалби бедор, алпқомат юрт ҳимоячилари эмасми?

Йигитлик бурчини адо этган акамнинг сўзлари ҳамон ёдимда: «Она Ватанига бўлган чексиз меҳр-муҳаббат ҳар бир йигитнинг фарзандлик бурчидир. Ватан учун ҳалол хизмат қилганлар, юртга садоқатини эътиқод деб билганлар ҳам ҳарбийлардир. Ватан ҳимоячиларининг меҳнати фаровон турмушимиз кафолати», дея ҳаяжонланиб гапирганида ҳарбийларга бўлган ҳурматим янада ортганди.

Ҳозирги кунда мард йигитларимиз билан бир сафда ҳарбий либос кийган жасур қизлар ҳам борлигидан фахрлансак арзийди. Мен ҳам ёшлигимдан ҳарбий бўлишни орзу қилганман. Ватанни севиш, мард, жасур ватанпарвар бўлиш, эл ишончини оқлаш мен учун олий саодатдир. Ўтган йили ўзим орзу қилган ҳарбий журналистика йўналишига ўқишга кирдим. Ҳарбий журналист бўлиш осон эмас, лекин олдимга қўйилган масъулиятли вазифани бажаришга ҳаракат қиляпман, ўқиб-ўрганишдан ҳеч қачон чекинмайман ва кимдан бирон нимани сўраш керак бўлса, сўрашдан асло уялмайман. Келажакда ҳарбийларимиз билан бир сафда туриб халқим учун садоқатли, жасур ҳарбий журналист бўламан ва албатта, Ватан ҳимоячилари ҳақида катта бир китоб ёзаман.

**Умида СУЛАЙМОНОВА.**

УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# ЖИТЬ С ЧУВСТВОМ ПАТРИОТИЗМА И СОПРИЧАСТНОСТИ К СУДЬБЕ РОДИНЫ

**Царящие в нашей стране мир и спокойствие, благополучная жизнь – бесценные блага независимости. Народ Узбекистана сегодня претворяет в жизнь широкомасштабные последовательные реформы, направленные на достижение благородной цели дальнейшего развития и модернизации страны. С каждым днем у граждан нашей Родины укрепляются чувства патриотизма, гордости за свою страну, ответственности за ее завтрашний день**

Патриотизм – это любовь к Родине, преданность своему Отечеству, стремление служить его интересам и готовность к его защите.

Говоря о патриотизме, чувстве сопричастности к происходящим созидательным процессам, Президент страны Шавкат Мирзиёев подчеркнул: «Патриотизм является нравственной основой жизнеспособности любого государства и выступает в качестве важного мобилизующего ресурса всестороннего развития общества».

Действительно, глубина и сила духа человека характеризуется тем, в какой мере он осознает свой гражданский долг, личную ответственность перед Родиной и народом. Историю Отечества во многом создают ее мужественные, просвещенные, преданные сыновья и дочери. Деяния и подвиги наших великих предков пробуждают историческую память, формируют гражданское сознание, являются источником патриотического воспитания молодежи.

Патриотизм и национальное самосознание – два крыла одного целого – духовного мира человека и гражданина. Патриотизм наших людей воплощается в бережном отношении к чести, достоинству, культуре, традициям и истории родного народа.

Героизм выдающихся личностей истории Узбекистана, сочетавших в себе политический ум, нравственную доблесть, проявлявших мужество и отвагу в борьбе против врагов, служат для нас путеводной звездой. Ярким примером духовного подвига и героизма является Нажмиддин Кубро. Погибший в бою с захватчиками при защите Ургенча со знаменем в руках, он стал символом борьбы за честь и свободу нации. Джалолиддин Мангуберди – защитник Родины, полководец и государственный деятель, национальный герой – на протяжении одиннадцати лет мужественно боролся против завоевателей, доблестно защищая Отчизну от врагов. Наш великий предок Амир Темур освободил родную землю от врагов и создал мощное централизованное государство. Величественные образы этих смелых, отважных, беззаветно преданных Родине людей народ свято хранит в своей памяти. Их жизнь и деятельность – яркий пример для подражания, благодатный источник формирования у молодежи чувства национальной гордости и уважения к родной истории, воспитания в них стойкой гражданской позиции.

Трудно переоценить вклад Узбекистана в развитие мировой цивилизации. Наши предки добились огромных успехов в науке, культуре, искусстве, других сферах. Нынешнее поколение стремится быть их достойными наследниками.

Патриотизм – это сплав сознания и деятельности, тесно переплетающийся с чувством сопричастности к происходящим в обществе созидательным процессам. Наглядно проявляется это в видимых формах роста активности масс, социальных общностей. Наши современники, следуя лучшим примерам национальных героев, беззаветно и самоотверженно служат народу. О таких людях говорят: «Они истинные патриоты, вносят достойный вклад в процветание страны».



Государство оказывает постоянное внимание таким людям. С каждым годом растет число соотечественников, удостоенных высшей награды государства – звания «Герой Узбекистана» с вручением медали «Олтин юлдуз». За выдающиеся заслуги перед государством и народом в деле укрепления независимости нашей Родины, упрочения ее международного авторитета, успешного осуществления реформ, за многолетний и самоотверженный труд в производственной и социальной сферах, а также большой вклад в воспитание молодого поколения в духе патриотизма, сотни наших соотечественников были удостоены почетных званий, награждены орденами «Мустакиллик», «Буюк хизматлари учун», «Дустлик», «Эл-юрт хурмати», «Мехнат шухрати», «Мардлик», медалями «Жасорат», «Шухрат» и другими. Их патриотизм, самоотверженное служение Родине – пример во всех наших благих начинаниях, стимул к плодотворной работе во имя интересов народа.

Представления о патриотизме и национальном самосознании тесно взаимосвязаны с реализацией патриотической идеологии, которая в нашей стране приспособлена к национальному составу населения как социальному организму. В силу того, что население Узбекистана включает в себя не один этнос, а представляет переплетение различных форм сознания, обычаев и культур, – патриотизм в нашей стране не принимает общенациональную форму, преодолевающую национальную замкнутость. Происходит равноправный полноценный обмен духовными ценностями, учитывающий национальную специфику, появляются новые возможности для общения людей и их взаимодействия, что способствует процессу обновления общества. Патриотическая идеология направлена на благо социума и государства, на удовлетворение интересов большинства населения страны, а также различных этносов и этнических групп.

Ныне наше государство вступило на путь реализации кардинально новых идей и принципов дальнейшего устойчивого и опережающего прогресса, в соответствии с выдвинутой главой государства Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана. При этом особое внимание в процессе реализации государственной политики уделяется формированию всесторонне развитого молодого поколения, воспитанного в духе патриотизма, способного противостоять негативному воздействию навязываемой сторонней идеологии. «Именно поэтому мы должны предпринять конкретные шаги по формированию у граждан стойкого иммунитета против негативного воздействия чуждых нам идей и укреплению чувства ответственности за судьбу Отечества, – подчеркнул Шавкат Мирзиёев. – Надежной опорой в этой непростой работе могут стать прошедшие армейскую школу мужества, стойкости и верного служения Родине молодые люди».

Мир, спокойная жизнь народа – наше богатство. Военнослужащие и сотрудники органов правопорядка днем и ночью исполняют воинский и служебный долг, проявляя отвагу в обеспечении неприкосновенности государственной границы и национальной безопасности, территориальной целостности страны, охране общественного порядка и борьбе с преступностью. Наш народ проявляет особое уважение к тем, кто стоит на страже свободы, мира и безопасности Отчизны. Служба в их рядах – почетна.

Молодые люди, вернувшиеся с военной службы, имеющие твердые жизненные убеждения и позицию, демонстрируют всестороннюю готовность участвовать в осуществляемых в стране реформах. Бывшие солдаты – пример для сверстников.

За последние годы в стране проделана масштабная работа в сфере военно-патриотического воспитания допризывной молодежи, предусматривающего формирование и развитие у юношей и девушек высокого патриотического сознания, возвышенного чувства преданности Отечеству, готовности к выполнению гражданского долга по защите интересов Родины. Данная деятельность осуществляется систематически, целенаправленно и скоординировано с участием ветеранов армии и правоохранительных органов, действующих военнослужащих и сотрудников.

Ежегодно в стране в преддверии Дня защитников Родины проводятся военно-патриотические месячники, в рамках которых в образовательных учреждениях организуются уроки мужества и отваги, встречи, беседы на темы: «Родина – священна, мой долг – защищать ее!», «Героизм предков – пример для молодежи», «Родную страну защищают отважные». В ходе этих мероприятий на основании примеров из жизни до сознания школьников доводится идея, что служение Родине – священный долг каждого гражданина.

**Подготовил**
**Р. ТУМПАРОВ,**
**корреспондент «На посту».**

Будни ППС

# СПРАВЕДЛИВОСТЬ ВОСТОРЖЕСТВУЕТ

**...Сотрудники автопатруля батальона патрульно-постовой службы УППСиООП УВД Бухарской области рядовые Шухрат Хасанов и Шавкат Шарипов двигались в полночь по территории Бухарского района и увидели, как по дороге, пролегавшей через махаллю Истиклол, автомобиль «Матиз» тащил за собой привязанную к багажнику корову. Сотрудники догнали машину и спросили водителя, куда он перегоняет животное. Курбан Р. сказал, что ведет ее домой, а на вопрос: почему он делает это ночью, ответил, что днем работает. Стражи порядка сразу заподозрили неладное – «ночной пастух» все время старался отвести взгляд, а его невнятный ответ на желание сотрудников узнать, где он живет и работает, все расставило по своим местам**




Сомнения оказались обоснованными. В результате проведенной следственной работы стало известно, что корова и теленок принадлежали жителю районного села Хитоён СГМ «Истиклол» Киёму Ж. Подозреваемый вывел их из крытого соломой временного хлева, находящегося возле дома Киёма Ж., планируя продать на рынке за 5 миллионов сумов. Корова и теленок были возвращены их владельцу.

Еще одна пропажа была обнаружена сотрудниками ППС. В ОВД № 2 УКД ОВД города Бухары с заявлением обратился пенсионер Игорь Г. Он сообщил, что неизвестный угнал оставленный возле дома без присмотра автомобиль «ВАЗ-21011». По области был объявлен план «Перехват». Сотрудники автопатруля – рядовые Ш. Хасанов и Д. Туймуродов увидели угнанную машину в мастерской по улице Шайхул-олам в тот момент, когда мастер пытался снять государственные номера с автомобиля. Выяснилось, что машину пригнал в состоянии алкогольного опьянения Акмал Ш.

Когда мы попадаем в сложные жизненные ситуации, то в первую очередь вспоминаем о стражах порядка. Самоотверженный труд сотрудников органов внутренних дел, охраняющих наше спокойствие и безопасность, гарантирует то, что справедливость восторжествует.

**М. АХАДОВ,**
**корреспондент «Postda».**
*Бухарская область.*

***На снимке:** работа сотрудников батальона.*
**Фото автора.**

ПРЕСТУПЛЕНИЕ И НАКАЗАНИЕ

# ХУЛИГАНСКАЯ ВЫХОДКА

**Что движет хулиганами, пренебрегающими правилами поведения, устраивающими драки, уничтожающими или повреждающими чужое имущество, причиняя значительный ущерб потерпевшим?**

Криминологи утверждают, что доминирующим мотивом их действий является умышленное нарушение общепризнанных норм, диктуемое желанием продемонстрировать пренебрежительное отношение к окружающим.

В органы внутренних дел с заявлением обратился житель города Карши Ойбек Абдуллаев (здесь и далее имена и фамилии изменены). В заявлении он просил принять законные меры в отношении неизвестных ему лиц, которые примерно в 21.00 вечера без какой-либо на то причины разбили стекла, порезали шины колес, помяли двери и капот автомашины «Нексия», стоявшей у его дома, расположенного в махалле Комилон областного центра. В заявлении указывалось, что на его призывы, а также призывы подоспевшего на помощь Сарвара Мадумарова, прекратить противоправные действия молодчики реагировали тем, что угрожали ножами, палкой и железной трубой.

По данному факту СО при УКД ОВД города Карши было возбуждено уголовное дело. Следствие установило, что крушили автомобиль и при этом угрожали О. Абдуллаеву и С. Мадумарову Содик Усмонов, Диёр Хусанов, Мурод Хасанов, Анвар Рихсиев, Лазиз Эшматов, Феруз Толибов и Элбек Равшанов.

Что объединяло этих парней, каждому из которых чуть больше двадцати лет?

На допросе Содик Усмонов ответил на этот вопрос весьма лаконично: «Мы вместе занимаемся в «качалке» – тренажерном зале…»



Нисколько не сомневаясь в том, что спорт – это источник здоровья, молодости, силы и выносливости, хотим напомнить, что он еще способен оказывать и глубокое воздействие на сущностные качества человека, развивая его не только физически, но и духовно: спорт учит самодисциплине, четкому регулированию поведения, формирует благородство и достоинство, порождает социально значимые мотивы деятельности… Но, к сожалению, эти качества нашим «героям», видимо, не привились.

Напускная же демонстративность, «фонтанировавшая» из «спортсменов» совсем недавно в махалле Комилон, рядом с автомобилем «Нексия», «сдулась» в ходе следствия: практически каждый, выгораживая себя, произносил фразы типа «Я стоял в стороне», «Сидел в своей машине и не выходил из нее»…

Что имеем в итоге?

Пострадавшему нанесен материальный ущерб на сумму свыше 13 млн сумов.

Суд признал «спортсменов» виновными в совершении умышленного хулиганства. За совершенное преступление они привлечены к соответствующей уголовной ответственности.

**Соб. корр.**

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ



# ИЛМИЙ САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

**Президентимизнинг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонида олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш борасидаги устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти ташаббуси билан илк маротаба «Олий ҳарбий таълим муассасаларидаги иқтидорли курсантларнинг илмий-ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

Олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш орқали курсант, тингловчи ва талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўзаро тажриба алмашишларига имконият яратиб берган мазкур илмий-амалий анжуман Қуролли Кучлар Академияси, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Олий ҳарбий авиация билим юрти, Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Божхона институти, Ёнғин хавфсизлиги институти, Фуқаро муҳофазаси институти ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Илмий-амалий анжуманда 9 та олий таълим муассасасидан 300 нафардан ортиқ ёшлар, профессор-ўқитувчилар, шунингдек, ҳамкор ташкилотлар вакиллари қатнашди. Тадбир давомида иштирокчи ёшларнинг илмий фаолиятига доир вазифалар муҳокама қилиниб, ҳамкорликдаги тадқиқотларни амалга ошириш юзасидан шарт-шароит яратишни тизимли равишда йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, мавзу юзасидан ҳарбий, ижтимоий гуманитар, ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт, аниқ ва техник фанлар йўналишларидаги тадқиқот натижалари таҳлил қилиниб, ёшларнинг бу борадаги ютуқлардан фаол фойдаланишда ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш лозимлиги қайд этилди.

Тадбир давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлардан келиб чиққан ҳолда, анжуман меморандуми қабул қилинди. Шунингдек, фаол иштирокчиларга сертификатлар берилди.

# ОЗОДБЕК НАЗАРБЕКОВ ТАҚДИРЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонлиги томонидан 2019 йилда тизимда амалга оширилган ишларга бағишланган йиғилиш ўтказилди.**



Йиғилиш давомида самарали ҳамкорлик қилганлиги учун бир қатор вазирлик ва идоралар вакиллари мукофотланди.

Хусусан, тадбирда шахсий таркибнинг жанговар ва ватанпарварлик руҳини кучайтиришга, Ватан ҳимоячиларининг она юртга муҳаббат туйғусини оширишга хизмат қилувчи маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш ишига қўшган улкан ҳиссаси алоҳида эътироф этилиб, Маданият вазирининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбековга Миллий гвардия қўмондони томонидан ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

**Аввал хабар қилинганидек, юртимиз бўйлаб «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати» шиори остида 2019 йил 15 декабрдан 2020 йил 15 январгача бўлган даврда Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган кенг кўламдаги маънавий-маърифий, маданий тадбирлар ўтказилмоқда.**

# ВАТАНПАРВАРЛИК ОЙЛИГИ ҚАЛБЛАРГА МЕҲР УЛАШМОҚДА











Ойлик доирасида Миллий гвардия ҳарбий хизматчи ва ходимлари ташаббуси билан ўтказилаётган тадбирлар билан бир қаторда, имконияти чекланган фуқаролар, болалар, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олишдек хайрли ишлар ҳам амалга оширилмоқда. Хусусан, Чилонзор туманида жойлашган 4-сонли имконияти чекланган ўсмирлар мактаби ўқувчиларининг ҳолидан хабар олинди. Миллий гвардиянинг Бухоро вилояти бўйича бошқармаси ҳарбий хизматчилари ва Қўриқлаш бошқармаси ходимлари эса хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган катта лейтенант Умрзоқ Болтаев, оддий аскар Суннат Самандаров ҳамда сафдор ходимлар Нуриддин Эркаев, Илҳом Гадоев, Нарзулло Зикриллоев ва Бахтиёр Равшановнинг хотирасини ёдга олиб, уларнинг оила аъзоларига совғалар топширишди. Бундан ташқари, «Мурувват» болалар интернат уйи ёшлари ўртасида хайрия тадбири ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси ҳарбий хизматчилари ҳам ойлик доирасида Нукус шаҳридаги Навбаҳор маҳалласи ҳудудида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олишди.

**Нафосат ЗАФАРОВА,**
**Миллий гвардия матбуот хизмати етакчи мутахассиси.**

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ВАТАНПАРВАРЛИК, ДАХЛДОРЛИК МЕЗОНЛАРИ

**Муқаддас заминимизда улғайиб, вояга етган буюк аждодларимиз Ватан эрки ва озодлиги йўлида мислсиз қаҳрамонликлари билан дунё афкор оммасини ҳануз лол қолдиряпти. Шунингдек, она Ватанидан олис ўлкаларда армон билан дунёдан кўз юмган алломаларимиз озмунчами? Бунга Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Жалолиддин Мангуберди, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Зокиржон Фурқат сингари буюк бобокалонларимиз қисмати мисолдир. Ватанни севиш, ватанпарвар бўлиш, уни ардоқлаб, соғиниб яшаш инсон табиатига хос ҳислардир.**

Алишер Навоий ҳазратларининг қуйидаги сўзи она Ватанини севувчи садоқатли ҳар бир кишининг қалбида ғайрат-шижоат уйғотади:

**Ватан таркини**
**бир нафас айлама,**
**Ани ранжи – ғурбат,**
**ҳавас айлама.**

Инсон ҳар жойда бир бурда нонини топиб, қорнини тўйғазиши мумкин. Лекин Ватаннинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Ватанда яшаш ҳақиқий бахт. Биз учун Ватан ягона. Шу боис ҳам у пулга сотилмайди ва сотиб олинмайди. Ватан инъом этилмайди, қарзга берилмайди.

Абдулла Ориповнинг «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» шеърининг лирик қаҳрамони Ватанни фақат бойликлари-ю, бебаҳо тупроғи, гўзал иқлими учунгина эмас, ҳатто мангу музликлардан иборат бўлган тақдирда ҳам севмаслик мумкинми? – деган юксак фикри билан эътиборни тортади:

**Ватанлар,**
**Ватанлар,**
**Майли, гулласин,**
**Боғ унсин мангулик музда ҳам,**
**аммо**
**Юртим, сени фақат**
**бойликларинг-чун**
**Севган фарзанд бўлса,**
**кечирма асло!**

Буюклар айтадилар: «Кишининг вафодорлиги ва садоқати унинг ўз Ватани учун қайғуришидан, дўстларини соғинишидан ва умрининг зое кетказган лаҳзаларига ачиниб, ўкиниб яшашидан билинади».

Инсоннинг ўз халқига бўлган садоқати ва фидойилиги она Ватанни ҳимоя қилиши, тараққий топиб, ҳар томонлама мустаҳкам ва қудратли бўлиши ҳамда халқининг тинч-фаровон ҳаёт кечиришига ҳисса қўшиши билан ўлчанади.

Ҳар бир инсон эл-юртнинг озодлиги, мустақиллиги учун ҳамма нарсани, ҳатто жонини ҳам аямайди. Бу ҳақда Мавлоно Фузулийнинг «Менинг битта ҳаётим бор, борди-ю мингта ҳаётга эга бўлган тақдиримда ҳам ҳаммасини Ватан учун сарфлаган бўлур эдим», деб айтган сўзлари ҳар биримиз учун бебаҳо ўгитдир.

Маърифатли халқларимизнинг ҳақиқий жасорати Ватан йўлида қурбон бўлишга ҳозир эканлигида акс этади.

Кимки ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмайди.

Кимки ўз Ватанига дахлдор бўлмаса, у инсониятга ҳам дахлдор эмас.

Ўз ватанига доғ тушириш — уни сотиш деган сўз.

Ватан туйғуси бўлган кишидагина ватанпарварлик ҳисси жўш уради. Ватанпарварлик деганда, қуйидагиларни англаш жоиз:

– ўз халқини, тилини, тарихини яхши билиш ва у билан фахрланиш;

– маънавиятимиз, маданий мерос ва қадриятларни асраш, авлодларга тақдим этиш;

– буюк аждодлар ишини давом эттириш, уларга муносиб ворис бўлиш;

– Ватанни ҳимоя қилиб, жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонлар номини ёд этиш;









– бетакрор Ватанимизда юксак эътиқод билан яшаш, унга ҳамиша садоқатли бўлиш.

Ёшларни ватанпарварлик туйғуси билан тарбиялаш, уларни Ватан маъносини теран англаб етишга ўргатиш, ватанпарварлик – юксак ахлоқий тамойил эканини тушунтириш долзарб вазифа ҳисобланади. Одоб-ахлоқ, ҳаё-ибо, ор-номус ва диёнат каби фазилатлар азалдан халқимиз маънавиятининг ажралмас қисмига айланган.

Ватанимиз мадҳияси янграса, ички ҳис-туйғуларимиз жўшиб кетади, кўзимизга ёш қалқийди, лекин Ватан фақат яхши кунларда, ютуқларга эришганда фахрланадиган, сўнг унутиладиган хилқат эмас.

Албатта, Ватанни севиш, унга фидойи бўлиш учун жон фидолик шарт эмас. Балки шу йўлда, керак бўлса, миллат ва она тупроқ шаъни учун ҳар қандай хатар юзига тик боқишни англатади, бу муҳаббат. Шунинг учун фақат баландпарвоз гаплар билан эмас, ўзимизнинг ақл-заковатимиз, ҳаракатимиз билан юрт равнақига ҳисса қўшишимиз, ҳақиқий жонкуяр бўлишимиз зарур. Шу тобда шоирнинг шеърий хитоби кўнглимизда акс садо беради:

**Яшасак бу дунёда**
**Ватан учун яшайлик,**
**Ўзбекистон аталган**
**чаман учун яшайлик.**

Аслини олганда, ватанпарварлик туйғуси бизга бегона эмас. Муқаддас заминимиз Алп Эр Тўнга, Тўмарис, Широқ, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темурдек кўплаб буюк ватанпарвар фарзандлари билан тарих саҳнида ўз ўрнини топгани бунга бир мисолдир.

Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсоннинг қалбида ватанпарварлик, Ватанга дахлдорлик ҳисси жўш уриб туриши керак. Аждодларимиз орзу қилган ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятида яшаб, меҳнат қиляпмиз. Бу – катта бахт.

«Ватанга дахлдорлик» тушунчаси юртга муҳаббат, унинг равнақи ва тараққиёти йўлида ўз ҳиссасини қўшишдир. «Ватан менга нима берди?» деб эмас, «Мен Ватанимга нима бердим, унинг порлоқ истиқболи учун нима қилдим», дея фикрлаш чин инсоний дахлдорлик туйғуси ҳисобланади. Ватанга дахлдор инсон жамиятга фойдаси тегиши учун тинмай меҳнат қилади ва шунинг орқасидан ҳалол ризқ топади. Афсуски, орамизда фақат ўзи учун ишлайдиган, моддий манфаат йўлида ҳатто Ватанини сотадиган бефарқ, лоқайд ва худбин кимсалар ҳам учраб туради. Маълумки, қаерда меҳр-оқибат бўлса, ўша жойда адолат, тенглик, тараққиёт қарор топади. Меҳр-оқибат инсонларни бирлаштиради, жамиятни мустаҳкамлайди, мамлакатни барқарор қилади.

Халқимиз бежиз «Ватан остонадан бошланади» демайди. Ватанни ҳимоя қилиш – инсоннинг ўз уйини, оиласини, севимли ёри ва болаларини, яқинларини, ота-боболарининг табаррук хоки ётган муқаддас тупроқни ҳимоя қилиш, дегани.

Эътироф этиш керак, сўнгги йилларда Ватанни ҳимоя қилиш ёшларимиз учун ҳақиқий шараф ишига айланди. Миллий армиямизда қадрият ва анъаналаримизга хос соғлом маънавий муҳит яратилгани ҳарбий хизматга ёндашувни тубдан ўзгартирди. Бугун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш, Ватан ҳимоячиси, деган номга муяссар бўлиш ҳар бир йигит учун нафақат конституциявий бурч, балки юксак шарафга айланди.

Ватанни севиш ва уни ҳимоя қилиш нафақат ҳарбийларимиз ёки ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг, балки жонажон Ўзбекистонимизда яшовчи ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

Айтиш жоизки, мустақил Ўзбекистонимиз армиясида маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар тубдан янгича асосда ташкил этилмоқда. Миллий армиямиз ёшларимиз учун ватанпарварлик, юртга садоқат билан хизмат қилиш мактаби, ҳарбий хизматчилар қалбида мустаҳкам ирода, юксак инсоний фазилатларни шакллантириш, уларнинг ақлий ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, жисмоний тобланиш мактабига айланаётгани фахримиз, ғуруримиздир.

Айни кунларда Президентимизнинг 2019 йил 13 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишига асосан, мамлакатимиз миқёсида қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Бу йил барча ватандошларимизни мардлик ва жасоратга, садоқат, ватанпарварликка чорловчи айём мамлакатимизда «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!» деган умумий шиор остида ўтказилмоқда.

Тантанали тадбирлар ҳарбий қисмлар, таълим муассасалари, маҳаллалар ва ташкилотларда ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги турли маънавий-маърифий учрашувлар, давра суҳбатлари, кўрик-танловлар, байрам тадбирлари, спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Уларда асосий эътибор ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий армиямиз сафларида она юртимизни ҳимоя қилиш иштиёқини янада кучайтиришга қаратилаётгани диққатга сазовордир.

Ҳар йили байрам арафасида Қуролли Кучлар тизимида «Энг илғор касб мутахассиси» танловини ўтказиш анъанага айланган. Бу йилги танловда ҳам ИИВ Қоровул қўшинларида хизмат қилаётган ҳарбийларимиз «Энг илғор батальон командири», «Энг илғор взвод командири», «Энг илғор гуруҳ командири» ва «Энг илғор сержант» каби номинацияларда ғолиб бўлиши барчамизни қувонтиради.

Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси миллий армиямиздаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитнинг бутунлай янгиланганида, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга ёндашув тамомила ўзгарганида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Нафсиламрини айтганда, Ватанимиз – Ўзбекистон ўхшаши йўқ бир бўстон. Бу диёрда бағрикенг қуёш ўз тафтини ва меҳрини сочмайдиган кундузлар, ой ўз сеҳрли нурини инъом этмайдиган кечалар кам бўлади. Бундай юртни севмай бўладими? Ҳақиқий бахт аслида шу эмасми?!

**Азизжон ФАЙЗИЕВ,**
**капитан.**

ЗДОРОВЬЕ

# ГЕПАТИТ – ОПАСНОЕ ЗАБОЛЕВАНИЕ

**Гепатит – это заболевание печени воспалительного характера, которое возникает вследствие поражения печеночных тканей и приводит к значительному ухудшению общего состояния организма. При бессимптомном течении болезни и отсутствии своевременного лечения гепатит переходит в хроническую форму и со временем приводит к циррозу печени и раку**



## Виды

В настоящее время выделяют несколько разновидностей вирусного гепатита:

– А – самый распространенный тип вируса, который имеет наиболее благоприятную картину течения болезни. Его симптомы и признаки проявляются спустя неделю–два месяца после заражения организма. Данная форма гепатита в редких случаях переходит в хроническую, иногда заканчивается полным излечением организма;

– В – опасная форма гепатита, которую сопровождают выраженные симптомы. Она требует обязательного лечения в условиях стационара с использованием полного комплекса препаратов, соблюдения строгого режима питания, а также отказа от вредных привычек. В 80% процентах случаев гепатит В заканчивается полным излечением человека от вируса. Уберечься от заболевания можно при помощи вакцинации;

– С – самая тяжелая форма, к которой нередко присоединяются вирусные гепатиты других групп. Эффективной вакцины от гепатита С на сегодняшний день не существует. Болезнь тяжело поддается лечению и у каждого 7-го инфицированного приводит к хроническому гепатиту с последующим возникновением цирроза печени и раковых заболеваний;

– D – по течению болезни сходна с гепатитом группы В. Различие в вирусах составляет присутствие дельта-агента;

– Е – по совокупности симптомов данная инфекция похожа на гепатит формы А. Болезнь также поддается полному излечению при своевременном обращении к специалистам. Если она развивается в хроническую стадию, то поражает не только печень, но и почки. Данная форма опасна для женщин, находящихся на последних месяцах беременности.

Вирусный гепатит отличается по форме течения болезни: острой, хронической.

Острый гепатит чаще всего проявляет себя явными симптомами и признаками заболевания. Хронической болезнь считается тогда, когда вирус не поддается лечению в течение 6 месяцев.




## Причины

Гепатит групп А и Е чаще всего попадает в организм через желудочно-кишечный тракт. Этому способствуют: не прошедшие должную обработку фрукты и овощи, немытые руки, зараженные вода либо продукты питания.

Вирусы других групп попадают в организм человека преимущественно через кровь. Болезнь передается: во время родов от матери к ребенку; при половых актах; во время переливания инфицированной крови и ее продуктов; при использовании нестерильных шприцов и медицинских инструментов; во время использования нестерильных игл в тату-салонах и необработанных маникюрных инструментов.



## Признаки хронической формы

Во время перехода гепатита в хроническую форму симптомы остаются те же, но выраженность их снижается. Кроме того появляются:

– тошнота;
– потеря аппетита;
– периодические рвота и понос;
– общая усталость и снижение работоспособности;
– постепенная потеря веса.

В случае отсутствия должного лечения гепатитов разных групп, к данным симптомам добавляются признаки онкологических заболеваний и цирроза печени.

При обнаружении у себя или родственников вышеперечисленных признаков следует без промедления обратиться к медицинскому специалисту.



## Симптомы и признаки

Наиболее явные проявления острой формы гепатита – это желтуха кожных покровов, глазных яблок и слизистой оболочки верхнего неба. В редких случаях кожа, равно как и склеры, может не менять свой цвет, но мягкое небо желтуха поражает всегда.

Кроме этого больной может наблюдать у себя:

– повышение температуры тела, наблюдающееся в течение нескольких недель;
– головную боль;
– общую усталость и быструю утомляемость;
– снижение аппетита;
– тошноту, рвоту и понос;
– появление неприятного горького привкуса во рту;
– боль в правом подреберье;
– сосудистые звездочки на кожных покровах;
– частые носовые кровотечения, легкое образование гематом;
– потемнение мочи и обесцвечивание кала.

## Профилактика

Соблюдение профилактических мер способно частично защитить организм от гепатита, а также предотвратить периоды его обострения у тех, кто уже болен. В профилактику заболевания входят:

– соблюдение правил гигиены – мыть руки необходимо с мылом перед каждым приемом пищи;
– должная обработка продуктов, употребляемых в пищу;
– отказ от алкоголя и курения.

К профилактическим мерам также относится вакцинация. На сегодняшний день в течение первых лет жизни детей проводится обязательная вакцинация от гепатита группы В. Это позволяет обезопасить организм от поражения печени данным вирусом.



**К. НУРЕДДИНОВ,**
**главный специалист, врач-терапевт**
**Медуправления МВД Республики Узбекистан,**
**капитан.**

ПРЕДОТВРАЩЕНИЕ ПРЕСТУПНОСТИ СРЕДИ ЖЕНЩИН

# ЖАДНАЯ СНОХА

***...8 лет назад жизнь Шохиды круто изменилась – пришли свататься дальние родственники матери. Вскоре сыграли свадьбу, и девушка переехала из махалли Иттифок города Джизака в поселок Бустон Зарбдорского района***



Супруг оказался хорошим человеком. У них родились трое детей. Но денег часто не хватало, и отец семейства уехал на заработки в Россию. Поначалу Шохиде эта идея понравилась, однако высылаемые мужем деньги не могли удовлетворить ее растущие потребности. К тому же, чтобы показать людям, как хорошо зарабатывает ее муж, она до копейки тратила все полученные деньги. Экономной свекрови такое поведение снохи не нравилось.

Несмотря на то, что Шохида жила в соседнем доме, она нечасто навещала свекра и свекровь, но где в их доме лежат золотые украшения, знала. Как-то, жалуясь своей сестре на золовок, она рассказала ей об этом и поинтересовалась, можно ли продать украшения на базаре. Сестра Зарина вышла замуж в г. Ташкент. Смекнув, что в столице провернуть дело будет легче, она решила войти в долю и выразила готовность помочь.

Несколько месяцев спустя Шохида, воспользовавшись тем, что в доме свекрови никого не было, вынесла браслет, который лежал в шкафу. Пропажа обнаружилась. Брат мужа, который замечал, как горят глаза невестки при виде золота, стал обвинять ее в краже. Однако, боясь людской молвы, никто не обратился в правоохранительные органы. А браслет Зарина продала на одном из ташкентских рынков за 2 миллиона сумов. Деньги сестры поделили.

Через неделю Шохида вновь пришла к свекрови, когда той не было дома, забрала золотые украшения и вдобавок прихватила 1 миллион 400 тысяч сумов, паспорт золовки и расчетную книжку.

Ближе к вечеру из дома свекрови стал доноситься шум. На этот раз родственники мужа сообщили о краже золотых урашений на сумму 77 миллионов 439 тысяч сумов в отдел внутренних дел. Пострадавшие подозревали Шохиду.

Стражи правопорядка вели расследование. Они выяснили, что примерно в то время, когда было совершено преступление, Шохида разговаривала по телефону с сестрой и с таксистом, отвозившем ее в столицу. Таксист рассказал, что в тот день взял посылку у женщины, проживающей в поселке Бустон, и отвез ее другой женщине, в Ташкент. Он вспомнил номер телефона получательницы.

Убедившись, что допрос подозреваемой не даст результатов, они решили задержать ее сообщницу. В этом стражам порядка помог деверь Шохиды, Шароф.

– Зарина, – позвонил ей Шароф, – тебя видели выходящей из нашего дома. Лучше верни украшения по-хорошему.

– О чем ты говоришь? Не смей на меня клеветать! – возмутилась сестра воровки.

– Я говорил с таксистом, который доставил украшения в Ташкент. Он все рассказал. Сотрудники органов внутренних дел не знают об этом. Если я им сообщу, вас поймают. В тот день вы общались по телефону, это можно уточнить в сотовой компании, – сказал Шароф и положил трубку.

Зарина тут же позвонила сестре. Однако ей никто не ответил, так как в тот самый момент Шохида была на допросе. Зарина поняла, что выхода нет. Она перезвонила Шарофу и сказала, что не имела понятия о содержании посылки, а когда узнала, стала уговаривать сестру вернуть украденное свекрови.

Договорившись с Шарофом о том, что все вернет, Зарина с золотыми украшениями на руках ждала деверя сестры. Открыв дверь и увидев рядом с Шарофом сотрудников органов внутренних дел, женщина побледнела. Выяснилось, что часть краденого, на сумму 13 миллионов 226 тысяч сумов, уже продана, деньги потрачены.

Отрицавшей все обвинения Шохиде при допросе были показаны драгоценности. Женщина поняла, что отпираться нет смысла, она также призналась в совершении первой кражи – золотого браслета.

Суд, учитывая наличие несовершеннолетних детей, раскаяние в содеянном и обещание возместить причиненный ущерб, вынес решение об ограничении свободы сроком на 5 лет. Для возмещения ущерба Шохиде дали четыре месяца.

**Г. АЛИКУЛОВ,**
**старший следователь Следственного управления при УВД Джизакской области, капитан.**

# ВАЖНО ВОВРЕМЯ ОКАЗАТЬ ПОДДЕРЖКУ



**В нашей стране проводится большая работа по социальной защите женщин, обеспечению их прав, повышению роли и значения в обществе**

Несмотря на это, некоторые представительницы прекрасного пола продолжают нарушать закон. Большая часть совершаемых ими преступлений относится к кражам, мошенничеству и аферам.

Гражданин К. обратился в органы внутренних дел с заявлением. В нем говорилось, что на территории рынка, расположенного в Тахтакупырском районе, у него украли пластиковую карту, на которой имелись 560 тысяч сумов, и кошелек с лекарствами. В результате проведенной оперативной работы выяснилось, что кражу совершила гражданка А. А., 1982 года рождения, проживающая в этом районе. Стало известно, что она находится в разводе, одна воспитывает троих детей, испытывает финансовые трудности. В отношении нее были приняты законные меры воздействия. Соответствующим организациям, с учетом семейного положения женщины, были даны поручения по обеспечению ее занятости.

Любое преступление должно быть раскрыто. Для предотвращения правонарушений необходимо изучение лежащих в их основе причин. Исходя из этого, сотрудники Тахтакупырского РОВД принимают все необходимые меры для разрешения проблем женщин, совершивших преступление, предупреждения повторных нарушений закона, обеспечения занятости, оказания правовой помощи.

**Н. УТЕМУРАТОВ,**
**оперуполномоченный Тахтакупырского РОВД Республики Каракалпакстан, старший лейтенант.**

ЖИНОЯТГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҲАҚИҚАТИ ВА АДОЛАТИ

# «ЖИЯН» ОПЕРАЦИЯСИ

**Ҳаммаси Севарага (исм-шарифлар ўзгартирилди) овсини қўнғироқ қилишидан бошланди. Иккиси анча пайт ҳол-аҳвол сўрашишгач, овсини ўғли 9-синфни битираётганини айтиб қолди.**

– Билими ўртача, лекин таржимонликка қизиқади. Сиз Тошкентдай шаҳри азимда яшайсиз. Шу жиянингизни ўша ёқдаги чет тилларга ихтисослашган бирор лицейга жойлаштирсангиз. Бир суриштириб кўринг, – деб илтимос қилди.

Севара эрининг ҳурмати учун рози бўлди. Ўйлаб кўрса, ўзининг танишларидан биронтаси ҳам хорижий тилларга ихтисослашган лицейда ишламаскан. Шундан сўнг амакисининг қизи Нодирадан таниш топишни илтимос қилди. Нодира сўраб-суриштириб бошқа йўналишдаги академик лицейлардан бирида қашқадарёлик йигит бош ҳисобчи бўлиб ишлашини аниқлади.

Ўтган йили ёзнинг бошлари эди. Аслиддин энди ишхонадан чиққанида, олдига бир хушрўйгина жувон келиб, салом бериб:

– Сиз қашқадарёлик Аслиддин акамисиз? – деб сўради.

– Ҳа, ўша одамман. Келинг, синглим, хизмат?

– Аслиддин ака, бир вилоятдан эканмиз. Ўғлим лицейга кирмоқчи эди. Шунга телефон рақамингизни берсангиз, қабул қачон бошланишини, қанақа ҳужжатлар кераклигини сўраб турардим, – деди.

Бу аёл фақат шунинг учун телефон рақамини сўрамаётганини Аслиддиннинг кўнгли сезди. Лекин ўзини сезмаганга олиб, уяли телефон рақамини берди.

Орадан ўн кунлар ўтиб, Нодира унга қўнғироқ қилди. Ўзини таништиргач: «Бир кўришиб, ҳалиги масалада гаплашиб олсак», – деди. Улар Талабалар шаҳарчасидан ўтган йўл ёқасидаги озиқ-овқат дўконлари яқинида учрашишди. Бу сафар Нодира ўзи билан Севарани ҳам бошлаб келган эди. Уни ўзининг жияни деб таништирди. Сўнг яна ўғлининг ўқишидан гап очди.

– Билими кучли бўлса, кириб кетади. Ўғлингиз ўз билими билан кирса яхши бўларди, – деди Аслиддин.

– Киролмаса-чи? Ёрдам бериб бўлмайдими? Хизмат ҳақи қанчага айланади? – дея мақсадга ўтди Нодира.

– Хоҳласангиз, ўзим ишлайдиган лицейга 500 долларга киритиб қўйишим мумкин, – Аслиддин ҳам энди очиқчасига гапирди.



– Ўғлим чет тилларга қизиқади-да, – дея кўнмади Нодира.

– Унда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг 2-сонли академик лицейига 1500 долларга гаплашиб беришим мумкин.

Нодира билан Севара бу таклифни ўйлаб кўришларини айтиб, хайрлашишди. Севара Аслиддиннинг хатти-ҳаракати ноқонуний эканини тушуниб, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Яшнобод тумани бўлимига мурожаат этди...

Эртаси куни Нодира Аслиддинга қўнғироқ қилиб, унинг таклифига рози эканлигини, атаганини бериб қўймоқчилигини айтди. Келишувга кўра Аслиддиннинг ишхонаси яқинида учрашишди. Аслиддиннинг машинасига ўтириб, олди-берди қилишди. Севара қора целлофан пакетга жойланган пулни узатишдан олдин сўради:

– Жиянимнинг ўқишга киришига неча фоиз кафолат берасиз?

– Юз фоиз! – деди Аслиддин шоша-пиша. – Юз фоиз ишонаверинг! Бу пулларни жиянингизни ўқишга киритадиган тегишли одамларга бериб қўяман. Ҳужжатларини эртадан топшираверсин.

Сўнг пул солинган пакетни машинанинг ғаладонига солиб қўйди. Кейин нима бўлганини сезиб тургандирсиз? Ҳа, департамент ходимлари автомашина олдига келиб, бўлиб ўтган иш тафсилотлари ҳақида суриштиришди. Аслиддин Севарадан жиянини академик лицейга ўқишга киритишни ваъда бериб, 1500 АҚШ доллари олганига иқрор бўлди.

Суд Аслиддинга жазо тури ва миқдорини тайинлашда унинг айбига иқрорлигини, пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини, зарар мавжуд эмаслигини, қарамоғида турмуш ўртоғи ва икки нафар фарзанди борлигини, яшаш ва иш жойидан ижобий тавсифланишини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топди. Шунингдек, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблади. Яна бир қанча омиллар назарда тутилиб, судланувчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25-моддаси (Жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилиш), 168-моддасининг (Фирибгарлик) 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилди. Унга иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Албатта, ушбу жиноят юз бермаслиги ҳам мумкин эди. Унинг содир этилишида Нодира билан Севаранинг ҳам «улуши» бор, назаримизда. Чунки Аслиддиннинг нафсини қитиқлаган аслида иккаласи-ку. Агар Севара ўз вақтида бу ҳақда ўйлаб кўрганида, Нодира билан бирга «атагани»ни бериш учун бормаганида, жиноятнинг олди олинган бўларди, бир инсон шаънига «судланган» деган тамға босилмасди. Майли, бу ёғи уларнинг виждонига ҳавола. Бу билан Аслиддинни оқлаш фикридан йироқмиз. Боиси, ҳар қандай вазиятда ҳам инсон қонунга мувофиқ иш тутиши, инсоф-диёнатини унутмаслиги лозим.

**Қаҳрамон МИРСАФАЕВ,**
**Жиноят ишлари бўйича**
**Яшнобод туман суди судьяси.**
**Бобомурод ТОШЕВ,**
**«Postda» мухбири.**

ИЗҚУВАР ХОТИРАЛАРИДАН

# ШУРИКНИНГ ОХИРГИ САРГУЗАШТИ

Самарқанд вилоятининг чекка қишлоқларидаги мактабларнинг биридан ўқотар қурол ўғирланади. У пайтларда ўрта мактабларда ўқувчиларга бошланғич ҳарбий таълим дарси ўтиларди. Ҳарбий таълим хонасидан ўғирланган қуроллар анча вақт топилмайди. Мен Самарқанд шаҳрининг Темирйўл тумани ИИБ жиноят қидирув хизматига ишга ўтганимдан кейин дўконларнинг бирида бўлган ўғрилик жиноятининг ана шу қурол ўғриларига алоқаси борлиги сезилиб қолди. Чунки номаълум шахслар дўкон қоровулини отиб ўлдириб, кейин ўғриликни амалга оширган эди.

Ўша кезлари жиноятчилар орасида Гаррик, Махно, Шурик исмли шахслар борлиги ҳақида эшитиб қолдик. Аммо бу лақаб эди, чунки ўғрилик қилганлар ҳеч қачон ўз исмини ошкор этмайди. Жиноий гуруҳ аъзолари ўз исмини «сир» сақлайди ва бир-бирига лақаб қўйиб олади.

Бир эмас, учта оғир жиноят содир этиб, жазо муддатини ўтаётган бир шахс вилоят ИИБга Самарқанд шаҳрида содир этилган қотиллик жиноятини кимлар содир этганини биламан, деб хат ёзади. Аввалига ишонмадик, чунки ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ шерикларини сотган жиноятчилар жуда кам учрайди. Ҳужжатлар билан танишсам, у ўзининг қилган жиноятлари учун қамалган бўлиб, шериклари бўлмаганди. Шундай бўлса ҳам, хатга жавобан, қирққа яқин савол билан хат йўлладим.



Тез орада ҳамма саволларга жавоб келди. Саволларнинг бирида жиноят оламидаги Гаррик, Махно ва Шурикнинг асл исм-шарифини сўрагандим. Жавоб келгач, уларнинг қаерда яшаши ва кимлиги маълум бўлди. Жазо муддатини ўтаётган шахснинг ёзишича, гуруҳга Шурик лақабли йигит бошчилик қилган ва майда-чуйда ўғрилик билан шуғулланиб юраркан.

Маҳкумнинг ёзишича, бу учлик билан бирга талончилик, ўғрилик ва номусга тегиш жиноятларини содир этишда иштирок қилган. Ички ишлар органлари ходимлари йигитни қўлга олишади. Шериклари эса қўлга тушган йигитга ҳаммасини бўйнингга олавер, сени ўзимиз қутқариб оламиз, деб ишонтирган. Кўп йиллар ҳамтовоқ бўлган йигит ҳамма айбни ўз бўйнига олган. Бир неча оғир жиноятни содир этган шахс сифатида узоқ муддатга қамалган. Бироқ ваъдасини унутган шериклари ундан хабар олмаган. Уларга хат ёзган, учрашувга келишларини илтимос қилган, аммо жавоб бўлмаган. Бу унга алам қилган ва бир мен жазо муддатини ўтайманми, улар ҳам жабрини тортсин, деб вилоят ИИБга хат ёзган.

Махно билан Гаррикни топиш қийин бўлмади. Аммо Шурик қидирув ҳақида билиб қолгач, яширинди. Уни гоҳ у вилоятда, гоҳ бу вилоятда учратишгани ҳақида хабарлар келарди. Охири Қозоғистонга ўтиб кетди, деган маълумот олдик. У пайтлар чегара бўлмагани учун осонгина овлоқ жойдан ўтиб кетган бўлиши мумкин эди. Қидирув ва суриштирувни вақтинча тўхтатишга қарор қилдик. Кейин яқинларининг бундан хабар топишига эришдик.

Ёз ойларидан бирида Шурикнинг яқинларидан бири туғилган кунини нишонлайдиган бўлди. Бу зиёфатдан Шурикнинг хабари бўлган, албатта. Қидирув ва суриштирув тўхтаганини билгандан кейин зиёфатга келишга ҳаракат қилиши аниқ. Яна бир ишончли кишидан унинг келишини билдик. Зиёфатга кириб ўтирганида қўлга олиш ноқулай, умид билан ёзилган дастурхон устида кўнгилсиз иш бўлишини истамай, унинг қайси йўлдан келиши мумкинлигини тахмин қилиб, пистирма қўйдик.

Ниҳоят Шурик кўринди. У пайтлар автомашиналар кам бўлгани учун катта йўл бўйлаб машинада келиб, бу ёғига пиёда кела бошлади. Мен «Жигули» машинасида ортидан бордим ва:

– Бproducing, шу маҳаллада юбилей бўлаётган экан, қайси хонадон эканлигини кўрсатиб юбора олмайсизми? – дея сўрадим.

Шурик бир чўчиб тушди ва ҳадиксираб:

– Мен ҳам юбилейга кетяпман, – деди.

– Йўлимиз бир экан, чиқинг машинага, бирга борамиз, – дедим.

У аввал атрофга қаради, кейин истар-истамас, омонатгина ўтирди. Машина ичидаги ходим:

– Бемалол ўтираверинг, бир отамлашиб келамиз, – деди кулиб.

Сал юрганимиздан кейин яна бир ходим йўлдан чиқди ва у ҳам тезда машинага ўтирди. Икки ходим ўртасида қолган Шурик нима қиларини билмай, тушмоқчи бўлиб ҳаракат қилганди мен унга:

– Шурик, саргузашт тугади, ҳибсдасан, – дедим ва машинани туман ИИБга ҳайдадим...

**Тожиддин ОДИЛОВ,**
**истеъфодаги подполковник.**
*Самарқанд вилояти.*

ВНУТРЕННИЙ ТУРИЗМ

# АРАШАНСКИЕ ОЗЕРА



Чтобы добраться до этой первозданной красоты, нужно рано утром выехать из Ташкента по направлению к перевалу Камчик и, не доезжая до него, остановиться возле въезда в село Эртош. Это горное селение расположено среди невероятных скал, каменных глыб, похожих на сказочных великанов,



быстрого сая, окаймленного деревьями и кустарниками. Распрощавшись с Эртошем, почти на два часа пути вы погрузитесь в мир, далекий от цивилизации, – царство удивительного плато Ангрен – пойменных лугов, бескрайних просторов, на которых пасутся табуны лошадей, горных рек и снежных вершин.

Арашан находится примерно в 200 км от Ташкента, почти на стыке Ташкентской и Наманганской областей, недалеко от границы с Кыргызстаном, на высоте 3000 м. Это область альпийских лугов, где не растут деревья и кустарники. Когда в Ташкенте от неимоверной жары плавится асфальт, здесь ночью можно замерзнуть от холода. А туристы-экстремалы за день проходят из лета – в зиму, и обратно. Начиная восхождение с нижнего озерца в летних рубашках, они попадают на ледяные озера в зимнюю метель.

В систему Арашана входят высокогорные водоемы моренного типа: Арашан, Ходжа Арашан, Большой и Малый. На высоте 2800 метров находится сероводородный источник, имеющий круглый год температуру воды 36,7 градуса. Именно он первым «встречает» туристов. Родник еще в прошлом веке огородили небольшим бассейном. Сегодня вокруг него разбивают палатки паломники, которые приезжают подлечить не только тело, но и облегчить душу, – чуть выше находится святыня – могила святого Арашан бува, украшенная рогами архара. А за ней расположено самое маленькое, имеющее насыщенно изумрудный цвет озеро Ходжа Арашан.

С него открывается вид на самую большую водную жемчужину – Большой Арашан размером 750х250 метров, который находится чуть ниже, на высоте 2777 метров над уровнем моря. Остальные озера расположены выше – Верхний Арашан – почти 3000 м, чуть ниже – Малый Арашан, а на высоте 3300 м находятся два ледяных озера.

Совершив восхождение к ледяным жемчужинам, оглядывая очертания снежных вершин Арашана, вдыхая летом морозный воздух, ловишь себя на мысли: как удивителен и прекрасен, разнообразен и неповторим наш край!

**Д. ШАМУХАМЕДОВА,**
**корреспондент**
**«На посту».**



# ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ

***(с 13 по 19 января)***

**Овен.** Будет сложно противостоять обстоятельствам, которые складываются не в вашу пользу. Начните с себя: избавьтесь от того, что мешает строить гармоничные отношения с партнерами. Избегайте ненужных трат. Не поддавайтесь страхам, но опасайтесь обмана. Хорошо, если рядом есть человек, способный дать вам дельный совет.

**Телец.** Будет много общения с интересными людьми, деловыми и творческими партнерами. Не зацикливайтесь на своих убеждениях, учитывайте мнение окружающих. Старайтесь избавиться от мнительности. Перемены, которые кажутся вам необходимыми, на самом деле несвоевременны. Пусть все идет своим чередом.

**Близнецы.** Вы по-прежнему пытаетесь найти себя, пересмотреть убеждения, которые долгие годы считали истинными. Чрезмерная эмоциональность не позволяет вам объективно оценивать происходящее и собственные силы. Не торопитесь делать окончательные выводы. Останьтесь наедине с собой.

**Рак.** Вы ощущаете дефицит энергии. Старайтесь больше отдыхать, не взваливайте на себя лишние проблемы. Есть риск столкнуться с обманом или последствиями собственных ошибок. Работа и ответственность за близких не позволят расслабиться, и вы почувствуете себя связанным по рукам и ногам.

**Лев.** Наступает пора обновления, творческой активности и самореализации. Захочется освободиться от всего, что мешает развитию. Проанализируйте ситуацию и сделайте правильные выводы. Есть риск попасть под чужое влияние. Если будете жить своим умом, сумеете избежать проблем.

**Дева.** Есть шанс неплохо заработать. Прежде чем принять окончательное решение, посоветуйтесь с компетентными людьми. Во второй половине недели от вас потребуются смелость, умение рисковать. Тогда появятся шансы найти высокооплачиваемую работу. Знакомые могут сделать заманчивое, хотя и рискованное предложение.

**Весы.** Вы склонны игнорировать советы и мнения коллег, однако не способны адекватно оценивать ситуацию в целом. Главное – не зацикливайтесь на неприятностях и не впадайте в уныние. Появится шанс наверстать упущенное. Только не ввязывайтесь в рискованные авантюры.

**Скорпион.** Будьте лояльнее к людям. Пытайтесь избегать конфликтов и необдуманных поступков, которые могут привести к нулевым результатам и колоссальной потере времени. Если есть возможность, возьмите тайм-аут, попытайтесь восстановить силы и разобраться в себе.

**Стрелец.** Вероятны разногласия с людьми старшего поколения или начальством. Друзья и родственники попытаются активно вмешаться в вашу жизнь, и вам захочется отгородиться от них глухой стеной. Уединение будет необходимо, как воздух. Постарайтесь восстановить силы и душевное равновесие, тогда станет легче.

**Козерог.** Вас ждет общение с интересными людьми, увлекательные поездки. Однако чрезмерный эгоизм и желание произвести впечатление могут обернуться против вас. Если не хотите испортить отношения с коллегами, друзьями и близкими, то умерьте амбиции, будьте последовательны, организованны, сдерживайте данные обещания.

**Водолей.** Этот период – время перемен. Привычный мир может рухнуть. Старайтесь поступать по совести, отстаивайте справедливость: так вы сможете сохранить самоуважение и психологическое равновесие. Во второй половине недели все постепенно начнет налаживаться, будет значительно проще принимать решения.

**Рыбы.** Держите себя в руках. Это достаточно активное время, хотя ваши действия не всегда будут приводить к желаемым результатам. Это потому, что вам сложно следовать правилам, соблюдать границы, контролировать эмоции. Старайтесь сдерживать сиюминутные порывы: сначала думайте о последствиях, а потом только действуйте.



# BOLAJON
## SAHIFASI

TABIAT VA BIZ

## Bolangizga o‘rnak bo‘ling!

Jajji qizaloq dadasi bolta bilan chopib tashlagan katta daraxt shoxlariga, bir pasda so‘lib qolgan yaproqlarga qarab rahmi keldi va nima uchun shunday azim daraxtni chopib tashlaganini so‘radi. Dadasi bu daraxt o‘rniga oshxona qurishni rejalashtirganini, keyin ayasi bu yerda shirin taomlar pishirishini aytdi. Oradan ancha vaqt o‘tib, oshxona ham bitdi. Shirin taomlarning hidi butun hovlini tutib ketdi. Barcha oila a’zolari dasturxon atrofida jamuljam bo‘lishdi. Ammo qizaloqning tomog‘idan ovqat o‘tmadi... Qizcha hamon shoxlari singan, barglari iltijoli hilpirayotgan daraxtni yodidan chiqarolmasdi. U bolalariga tabiatni sevishga, o‘simliklarni, har bir gulu giyohni asrashni o‘rgatgan, ularga ozor berish yaxshi emasligini uqtirgan dadasi nega o‘zi bunga amal qilmaganini tushunolmasdi...



MUSTAQIL ISH

**«ERKATOY»** so‘zining har bir harfiga so‘zlar toping va ular ishtirokida mustaqil matn tuzing.

**E**TIK. Qolganini shu tarzda davom ettiring.

**R**....

**K**....

**A**....

**T**....

**O**....

**Y**....




## XANDALAR



Ona uyiga kelsa, o‘g‘lining kundaligi burchakda tik turgan ekan.

– O‘g‘lim, nega kundaliging u yerda turibdi? – deya hayron bo‘lib so‘rabdi.

– Bugun u «2» baho oldi, shunga jazolayapman! – deb javob beribdi bolakay.

* * *

– Kamron, sinfingda eng dangasa kim? – so‘radi Anvar.

– Bilmayman.

– Hamma yozayotganida kim yozmay o‘tiradi?

– O‘qituvchimiz...

* * *

– Bilol, suvda yashaydigan beshta jonzotni sanab ber-chi, – dedi o‘qituvchi.

– Qurbaqa.

– To‘ppa-to‘g‘ri, yana to‘rtta?

– Uning otasi, onasi, akasi va singlisi...



HAYVONOT OLAMI

## Tulki haqida qiziqarli ma’lumotlar



▶ Tulkining tirnoqlari o‘tkirligi uchun u daraxtga sira qiynalmasdan chiqa oladi.

▶ Tulkilar hech qachon to‘da-to‘da bo‘lib yashamaydi, yolg‘izlikni xush ko‘rishadi.

▶ U kunduziga nisbatan kechasi yaxshi ko‘radi. Shuning uchun ko‘proq tunda ovga chiqadi.

▶ Xuddi qushlar kabi tulki ham magnit maydoni bo‘yicha manzilini qidirib topa oladi.

▶ Tulki qafasda 25 yilgacha yashashi mumkin. Yovvoyi tabiat qo‘ynida esa nari borsa 7 yil yashaydi.

▶ Tulki uxlaganda dumi bilan sovuqdan saqlanadi. Shuning uchun uning dumi qalin bo‘ladi.

▶ U soatiga 50 km tezlikda yugura oladi. O‘ljasini quvish jarayonida esa kerak bo‘lsa tun bo‘yi to‘xtovsiz yuguradi.

▶ Tulki asosan sichqon, kalamush bilan oziqlanadi.

▶ Qorni ochligida tulki bir metr qor ostidagi o‘ljasining hidini sezish xususiyatiga ega.

▶ Yirtqich hayvonlar – sher, yo‘lbars, leopard, ayiq tulkini g‘ajib tashlashi, o‘ldirishi mumkin, ammo negadir hech biri uni yemaydi.

### Bo‘sh o‘tirma, bosh qotir

Bo‘sh kataklar ichiga shunday so‘z bo‘g‘inlarini joylashtiringki, natijada ikki tomonda ham shu bo‘g‘inlar asosida yangi so‘zlar hosil bo‘lsin.

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | m | a | r | | | |
| | | | t | a | r | | | |
| | | | q | i | z | | | |
| | | | t | a | b | | | |
| | | | m | o | n | | | |
| | | | t | a | r | | | |

Sahifani Adolat FAYZIYEVA tayyorladi.

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

# ПИЁДА ЮРИШ – ЭНГ ЯХШИ ДАВО




**Бу муолажа сифатли уйқу ва соғлом овқатланиш билан уйғунликда олиб борилса, анча вақтгача шифокорга мурожаат этиш зарурати туғилмаслиги мумкин. Кунига атиги 15–30 дақиқа пиёда сайр қилиш нафақат ташқи кўринишга, балки саломатлик учун ҳам фойдалидир. Ҳатто энг оддий сайр ҳам инсон руҳи ва танасига ижобий таъсир кўрсатиши мутахассислар томонидан аниқланган.**

Аэроб (эркин кислород бўлган шароитдаги) машғулотлар ёки оддий сайр мия фаолияти учун фойдали бўлиб, деменция (ақл заифлашуви)нинг барвақт ривожланишига йўл қўймайди, **Альцгеймер касаллиги** хавфини камайтиради, руҳий саломатликни яхшилаб, кайфиятни кўтаради. Бундан ташқари, иш қобилиятини ва ижодкорликни оширишга ҳамда хотирани мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунингдек, яёв юриш **кўриш қобилиятини** яхшилайди. Гарчи оёқлар ҳаракати ва кўзлар фаолияти бир-бирига у қадар боғлиқ бўлмаса-да, лекин ҳар ҳолда, сайр уларнинг саломатлигига ҳам ижобий таъсир қилади. У кўз ички босими ва кўксув (глаукома)нинг ривожланиш хавфини камайтиради.

Ҳар куни пиёда юриш **юрак касалликлари** ва инсультнинг олдини олиш борасида югуришдан кам фойда бермайди.



Маълумки, қон босимининг кўтарилиши ва организмда холестерин миқдорининг кўпайиши натижасида юрак хасталиклари вужудга келади. Бундай беморларга шифокорлар энг содда даво усули сифатида тоза ҳавода сайр қилишни тавсия этишади. Бу жараён юрак уришини меъёрлаштириб, қон айланишининг яхшиланишига ёрдам беради.

Бундан ташқари, яёв юриш **нафас олиш тизими**га ижобий таъсир қилиб, ўпка фаолиятини яхшилайди, унинг ҳажмини оширади, қонни кислород ва озиқ моддалар билан тўйинтиради, шу билан бирга, заҳарли моддалар даражасини камайтиради. Тоза ҳаводан чуқур нафас олиш ўпка касалликларининг олдини олади.

Мазкур хатти-ҳаракат **ошқозоности бези** ҳолатини ҳам яхшилайди. Бу усул диабетнинг олдини олишда югуришдан кўра самаралироқдир. Пиёда юриш нафақат ошқозон саратони ривожланиши хавфини камайтиради, балки ҳазм қилиш жараёнига ижобий таъсир қилади, ошқозон перистальтикасини (керилиш ва сиқилиш ҳаракатларини) тартибга солиб, қабзиятдан халос этади.

Шунингдек, бу усул **мушаклар тонуси**ни яхшилашга ва ортиқча вазнни йўқотишга хизмат қилади. Кунига 10 минг қадам яёв юриш, мунтазам машғулот бажариш ёки тоққа чиқиш билан баравар. У кам зўриқиш талаб этгани боис эртаси куни мушакларда оғриқ кузатилмайди.

Сайр **суяк ва бўғим**лар учун ҳам фойдалидир. Юриш жараёнида бўғимлар эгилувчанлиги таъминланади, суяк ва умуртқа ҳолати яхшиланиб, таянч-ҳаракат аппарати турли шикастланишлардан холи бўлади.

**Белдаги оғриқ**дан азоб чекувчи инсонларга югуриш, оғир машқлар бажариш ман этилади, шунинг учун ҳам пиёда юриш уларга жуда мос усулдир. Бу умуртқа поғонасидаги қон айланиш жараёнини фаоллаштириб, унинг эгилувчанлигини ва гавдани тик тутиш ҳолатини яхшилайди.

Шунингдек, яёв сайр қилиш чоғида ўй-фикрларни тартибга солиш, баъзи ишларни режалаштириб олиш ҳам мумкин. Ҳар куни пиёда юриш уйқунинг меъёрга тушишига, уйқусизликнинг олдини олишга, иммунитетнинг ошишига хизмат қилади.

Шундай экан, спорт билан шуғулланишга шароит бўлмаса, буни баҳона қилмасдан, дарҳол қулай пойабзалингизни кийиб, ҳар куни пиёда сайрга чиқинг. Бир қарашда оддий кўринган бу жараён саломатлигимиз учун қанчалик фойдали эканини ўшанда ўзингиз биласиз.

# САРИМСОҚПИЁЗ ЁҒИ

Ушбу маҳсулот ёқимсиз ўткир ҳидга эга эмас, аммо таомга қўшиб истеъмол қилинганда саримсоқпиёзга хос мазага эга, ўзига хос енгил ис таратади. У ҳар қандай таомга мос келади. Умуман олганда, саримсоқпиёз ёғининг фойдали хусусиятлари ҳақида узоқ гапириш мумкин. Аммо уларнинг энг асосийларига эътибор қаратсак:

– зарарли микроорганизмларга, микроб, паразит, гижжа ва вирусларга қарши курашади;

– соч тўкилишининг олдини олади;

– иммунитетни оширади, сил ва бронхит касаллигини бартараф қилишда ёрдам беради, организмнинг шамоллаш, юқумли касалликларга қарши курашиш қобилиятини оширади, балғам кўчириш хусусиятига эга;

– иштаҳани очади, овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшилайди, ортиқча сафродан халос этади, ошқозон шираси самарали ишлаб чиқарилишига хизмат қилади;

– терини янгилайди, ёғ безлари ишини яхшилайди, тўқималар шаклланишида иштирок этувчи қалқонсимон без фаолиятининг тартибга солиниши ҳисобига эрта қаришнинг олдини олади ва организмни ёшартиради;

– томирларни тозалайди, қон босимини меъёрлаштиради, томирлар сиқилишига қарши курашади, юрак фаолиятини яхшилайди;

– юрак-қон томир тизимига ижобий таъсир қилади, қон босимини туширади, капилляр деворлари ҳолатини ҳамда қон айланишини яхшилашга ёрдам беради.

Саримсоқпиёз ёғини турли таом ва салатларга қўшиб тановул қилиш жуда фойдали. Аммо унутмаслик керакки, ҳар нарсанинг ўз меъёри бўлиши лозим. Мазкур ёғни ҳаддан ортиқ кўп истеъмол қилиш ошқозон ярасини келтириб чиқариши, шунингдек, бош оғриши ва айланиши, кўнгил айнишига сабаб бўлиши мумкин.





**Тавсияларга амал қилишдан олдин шифокор билан маслаҳатлашинг.**

**Гулчеҳра АЗИМОВА** тайёрлади.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

ИИВ Фахрийлар кенгаши ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги полковник **Абдулла БЎРИЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги полковник Камолиддин Очилдиевга волидаи муҳтарамаси **МУКАРРАМХОН аяning** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарманинг Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси бошлиғи, майор Шерали Норовга акаси ҳамда «Сариосиё» бекатидаги бўлинма сафдор ходими, сафдор Хуршид Абдураимовга падари бузруквори **Абдурашид НОРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

МУЛОҲАЗА

# МАЙМОҚҚА ОЗОР БЕРМА, ҚИЗАЛОҚ

**«Маша ва айиқполвон» мультфильмини нафақат болалар, балки анча-мунча ёши катталар ҳам томоша қилган бўлса керак. Томоша жараёнида «Бу мультфильм болаларнинг тарбиясини бузмайдими?» деган фикр сизнинг ҳам хаёлингиздан ўтганми? Бир ўйлаб кўринг: мазкур мультфильм ижодкорлари билиб-билмай болакайларни ҳаддан зиёд шўх, бебош, дилозор бўлишга даъват қилмаяптими?**



Балки, сиз фикримга эътироз билдириб, далил сифатида «Сеними, шошмай тур!», «Том ва Жерри», «Леопольд лақабли мушук» мультфильмларини мисол келтирарсиз. Менимча, далилингиз номақбул. Чунки ҳар учала мультфильмда ҳам бўри ва сичқонлар қилмишига яраша таъзирини ейди. Қолаверса, томоша жараёнида ижодкорлар бу образлар тарафида эмаслигини сезиб турасиз. Аммо «Маша ва айиқполвон» мультфильмида қизалоқ айиқнинг дилига қанчалар озор берса ҳам, шўхликда ҳаддан ошса ҳам, барибир маймоқвой уни яхши кўраверади, фильм ижодкорлари ҳам. Беихтиёр бу ҳис-туйғу томошабинга ҳам юқади.

Эсингизда бўлса, «Кичкина табиб» фильмида «Том ва Жерри» мультфильмини томоша қилган ёш қаҳрамон билан бошқа бир персонаж ўртасида шундай суҳбат бўлиб ўтади:

– Мультфильм ёқдими?
– Йўқ.
– Нега?
– Мушукка раҳмим келди.
– Сичқонга-чи?
– Сичқон жуда шўх экан. Бизнинг қишлоқда Ҳасанбой деган бола бор. Сичқон ўшанинг ғирт укаси.

Ана шу кичкина табиб «Маша ва айиқполвон» мультфильмини томоша қилганида шундай дермиди? Бунга гумоним бор. Бошқа болакайлар ҳам ҳар гал ушбу мультфильм томошасидан кейин «Демак, ҳар қанча шўхлик, дилозорлик қилсак ҳам бўлавераркан, ота-онамиз кечираркан-да», деган хулосага келишса ажабмас.





**Таниқли сўз устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Обид Асомов умрининг охирида «Ўзбекфильм» миллий агентлиги ҳузуридаги «Мультипликацион фильмлар» студиясига раҳбарлик қилган қисқа давр ичида ўзбек халқ эртаклари асосида мультфильмлар суратга олиш бўйича бирмунча ишларни амалга оширишга улгурди.**

Балки, бунга ўхшаган, бола тарбиясига тескари, салбий таъсир кўрсатадиган бошқа мультфильмлар ҳам бордир. Болакайлар ижтимоий тармоқлар ёки айрим телеканаллар орқали (бизга билдирмай) уларни томоша қилаётгандир. Демоқчимизки, биз, катталар жажжи дилбандларимиз ақлли, одобли, меҳнатсевар, хушфеъл бўлиб вояга етишини истасак, улар қандай кўрсатув, айниқса, мультфильмлар томоша қилаётганига эътиборли бўлишимиз лозим.

Тўғри, рус ва бошқа халқларнинг эртаклари асосида ишланган энг сара мультфильмларнинг анча-мунчаси ўзбек тилига ўгирилган. Лекин ўзбек халқ эртаклари асосида ишланган мультфильмлар телевидение орқали, айниқса, «Болажон» каналида кўпроқ намойиш этилса, нур устига аъло нур бўларди. Шунда қоракўзларимизни халқимизга хос ва миллий менталитетимизга мос бўлган қадриятлар руҳида тарбиялай оламиз. Бундай мультфильмлар эса талайгина. «Зумрад ва Қиммат», «Тўғривой ва Эгривой», «Кенжа ботир», «Олтин тарвуз», «Ур, тўқмоқ!», «Саҳродаги воқеа», «Довюрак ошпаз», «Икки қўшни ва қовун», «Айтсам, ишонмайсиз» каби мультфильмларни барча болакайлар мириқиб томоша қилади. Шу аснода уларнинг беғубор қалбига мардлик, тўғрилик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, топқирлик каби эзгу хислатлар сингади.

Таниқли сўз устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Обид Асомов умрининг охирида «Ўзбекфильм» миллий агентлиги ҳузуридаги «Мультипликацион фильмлар студияси» давлат унитар корхонасига раҳбарлик қилган қисқа давр ичида ўзбек халқ эртаклари асосида мультфильмлар суратга олиш бўйича бирмунча ишларни амалга оширишга улгурди. Масалан, «Чалпак ёққан кун» эртаги асосидаги мультфильм менга жуда ёқди. Менимча, севимли санъаткоримиз бошлаган бу савобли ишни давом эттириш керак. Ахир, халқимизнинг каттаю кичикни эзгуликка чорловчи эртаклари озмунчами?! Қолаверса, ёзувчиларимиз ҳам болажонларимизга мўлжалланган мультфильмлар учун бажонидил сценарий ёзиб берса керак. Бунинг учун эса барча имкониятлар мавжуд, давлатимиз ҳам маблағни аямаяпти.



**Бобомурод ТОШЕВ,**
**«Postda» мухбири.**


**Postda**
На посту

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o‘rinbosarlari –
podpolkovnik Qobuljon SHOKIROV
leytenant Aziza BAHODIROVA

Mas’ul kotiblar –
Erkin SATTOROV
Jahongir SHAROFBOYEV

Navbatchilar –
Sanjar QURBONMUROTOV
Georgiy PETROSYAN

Sahifalovchilar –
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
**Faks:** 71-231-40-05.

**Obuna masalalari bo‘yicha:**
71-231-38-74;
95-177-32-31

**Web-site:** www.postda.uz
**E-mail:** info@postda.uz

ISSN 2010-5355

Tahririyat
hisob raqami
20210000900447980001
MFO 00420.
ATIB
«Ipotekabank»
Mirobod
tuman bo‘limi.
INN 200637499.



Tahririyatga kelgan qo‘lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko‘chirib bosilganda manba ko‘rsatilishi shart.



Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O‘zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Alisher Navoiy ko‘chasi, 30-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2007-yil 11-yanvarda 0120-raqam bilan ro‘yxatga olingan.
Buyurtma №V-4012.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 56 355 nusxada chop etildi.
**Obuna raqamlari:**
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:
100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko‘chasi 9-uy.